

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ  
ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**536** **Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2513*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 113-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 10-сон, 118-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси тўғрисида низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ҳамда у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Ж. КАДИРОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 26 август,  
18-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат  
захираларини бошқариш қўмитасининг  
2013 йил 26 августдаги 18-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини етказиб бериш,  
қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги  
ЙЎРИҚНОМА**

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Йўриқнома биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Йўриқнома талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) тизимидаги ташкилотлар ва биринчи гуруҳ моддий бойликларини узоқ муддат масъул сақлашга қабул қиладиган бошқа ташкилотлар учун мажбурийдир.

3. Узоқ муддат сақлашга мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларининг гуруҳларида назарда тутилган нефть маҳсулотлари қабул қилинади.

4. Нефть маҳсулотларининг оғирлигини ўлчашда Давлат ўлчов воситалари реестрига киритилган ҳамда текшириш сертификатига эга бўлган асбоб-ускуна ва ўлчов воситалари ишлатилиши шарт.

5. Нефть маҳсулотлари қабул қилиниши ёки бериб юборилишидан олдин ташкилот раҳбари ёки бош муҳандис томонидан техника хавфсизлиги ҳамда ёнғин хавфсизлиги борасида иш сменаси раҳбарлари билан йўл-йўриқлар ўтказилади ва бу махсус журналда қайд этилади. Иш бошланишидан олдин смена раҳбарлари томонидан ҳар бир ишчи билан нефть маҳсулотларини қабул қилиш ва бериб юбориш тўғрисида ва уларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши борасида йўл-йўриқлар ўтказилади.

**II боб. Нефть маҳсулотлари учун резервуарлар,  
ускуналар ва иншоотларга қўйиладиган асосий талаблар**

6. Ташкилотларда резервуарлар, қувурлар, насос бўлинмалари, қўйиш-олиш иншоотлари, маҳсулотларни иситиш ускуналари, ишлаб чиқаришнинг зарурий комплекслари, бинолари ва лабораториялар доимо техник жиҳатдан соз ҳолда бўлиши керак. Авария ҳолатлари учун зарурий ускуна, асбоб ва материаллар захираси бўлиши лозим.

7. Нефть маҳсулотларини сақлаш ер усти ва ер ости резервуарларида амалга оширилади. Резервуарлар, уларнинг ускуналари қўйидаги технологик талабларга жавоб бериши керак:

узоқ муддат сақлашда нефть маҳсулотларининг тўлиқ миқдори ва сифатини таъминлаш;

нефть маҳсулотларини атмосферадан ишончли ҳимоялаш, лойиҳавий босим ва вакуумни мунтазам таъминлаш;

ер усти резервуарларини ёрқин рангдаги бўёқлар билан бўяш, суткадаги ҳарорат ўзгаришини камайтириш мақсадида эса ер остидаги резервуарларни лойиҳавий меъёрга қадар грунт билан ёпиш;

резервуардан маҳсулотнинг эҳтимолий оқишини назорат қилиш учун оқиб кетиш ҳолатидан хабар берувчи сигнализатор ускунаси билан таъминлаш;

маҳсулотнинг чиқмайдиغان қолдиғини тозалаш учун резервуарларга тозалаш стационар ускуналар ўрнатиш.

8. Авиация ва автомобиль бензинини сақлаш учун тўлдирилишнинг техник меъёри 98 фоиздан кам бўлмаган ҳамда бензиннинг табиий йўқотишини камайтиришни таъминлай оладиган резервуарлар ишлатилади.

9. Нефть маҳсулотлари (ёзги маркадаги дизель ёқилғиси, мотор мойлари)ни узоқ муддат сақлашга мўлжалланган резервуарларда маҳсулотларни лойиҳага мувофиқ технологик операцияларни амалга оширишни таъминловчи ҳароратгача исита оладиган воситалар ҳамда нафас олиш ускунаси бўлиши лозим.

Конденсат ҳосил бўлишини камайтириш ҳамда мойлардан чўкмаларнинг ювилиб кетишини олдини олиш учун қиш мавсумида ер ости резервуарларининг ёруғлик қопқоқларини иситиш тавсия этилади.

10. Резервуар паркида ундаги маҳсулотнинг тозалаш мосламасига оқиб ўтишини таъминлаш учун ўтказгичлар қуришда лойиҳавий қияланиш таъминланади.

11. Маҳсулотларга мўлжалланган насос бўлинмаси қуйидагилар билан жиҳозланади:

реактив ёқилғини бериб юборишда дағал ва майин филтрлаш воситалари, база ичида кўчириш, эстакадани «айлана» шаклида ювиш, вакуум ҳамда тозалаш идишларидан резервуарларга ҳайдаш воситалари;

қўлда ҳамда масофавий бошқариладиган вакуум тизими;

темир йўл эстакадаси билан икки томонлама телефон алоқаси.

12. Насос бўлинмаси ускуналари лойиҳада кўрсатилган қувватда нефть маҳсулотларини (шу жумладан қуюқ маҳсулотларни) тўқиш, тозалаш, цистерналарга қуйишни таъминлаши шарт.

13. Қуйиш-тўқиш ускуналари ёрдамида нефть маҳсулотлари цистерналарга қуйилади ва бўшатилади. Коллекторлар тозалаш учун «айлана»ли ўрамга эга бўлиши ва авиация ёқилғиси учун мўлжалланган коллекторлар учида тиндиргичлар ва дағал тозалаш филтрлари бўлиши лозим.

14. Маҳсулот-насос бўлинмаси, эстакада ва резервуар паркларнинг технологик ўрами турли маркадаги нефть маҳсулотларига мўлжалланган қувурлар, жумладан, қулфлаш арматураси ва тикинли гардиш (фланец) билан ўзаро боғланмаган бўлиши керак.

### **III боб. Нефть маҳсулотлари сифатини назорат қилиш, намуналарини танлаб олиш**

15. Нефть маҳсулотларининг сифатини назорат қилиш лаборатория таҳлили ҳамда сақлаш жараёни мобайнидаги назоратга бўлинади.

16. Сақлаш жараёни мобайнидаги назоратда ташкилотнинг нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва бериб юборишга масъул ходимлари томонидан назорат ишлари олиб борилади ва нефть маҳсулотларининг сифати текширилади.

17. Назоратни ташкил этиш ташкилот раҳбари ва бош муҳандиси зиммасига юклатилади.

18. Лаборатория текшируви мазкур Йўриқноманинг 2, 3, 4-иловаларида кўрсатилган муддатларда ва ҳажмларда олиб борилади.

19. Нефть маҳсулотларини цистерналардан бўшатиб олишда, резервуарларда сақлашда ҳамда цистерналарга қуйиб беришда назорат таҳлили ўтказилади.

20. Нефть маҳсулотлари бўйича назорат таҳлили ўтказишдан мақсад қуйидагилардан иборат:

цистернадан маҳсулот олингунга қадар — алоҳида кўрсаткичлар бўйича маҳсулотларни етказиб берувчи ташкилот ҳужжатлари (юк хати, паспорт)да кўрсатилган сифат кўрсаткичларига мувофиқлигини аниқлаш;

резервуарлардан намуналар олиш йўли билан — олинган маҳсулот намунасининг баъзи бир қўшимча кўрсаткичлар бўйича сифатини аниқлаш;

сақлаш мобайнида — бир қатор кўрсаткичлар бўйича маҳсулот сифатидаги ўзгаришларнинг бошланишини аниқлаш;

бериб юборишда — алоҳида кўрсаткичлар бўйича маҳсулотларнинг тозаланмаган цистерналарга қуйишда механик қўшимчалар билан ифлосланиши, шунингдек бошқа маркадаги маҳсулотлар билан аралашуви натижасида ифлосланишини аниқлаш.

21. Таҳлиллар назорати тўлиқ ва низоли ҳолат учун таҳлилларга бўлинади.

22. Тўлиқ таҳлил резервуарларга нефть маҳсулотлари тўлиқ қуйилганидан сўнг 20 кун ичида, шунингдек маҳсулотни насос воситасида бошқа резервуарга ўтказиш, юклаб бериш ва маҳсулот сифатини аниқлаш учун зарурат пайдо бўлса, ўтказилади.

23. Низоли ҳолат учун таҳлил маҳсулотни қабул қилишда ва бериб юборишда цистерналардан олинган нефть маҳсулотлари намуналарини текшириш орқали ўтказилади.

Бунда танлаб олинган намуналар қабул қилувчи ташкилот, етказиб берувчи ташкилот ҳамда транспорт ташкилоти ёки учинчи ташкилот вакили томонидан имзоланган далолатнома билан расмийлаштирилади.

Низоли ҳолат учун таҳлилдан мақсад етказиб берувчи ва қабул қилувчи ташкилотлар лабораториялари томонидан нефть маҳсулотлари сифатини баҳолашда юзага келиши мумкин бўлган ўзаро келишмовчиликларнинг олдини олишдан иборат.

Низоли ҳолат учун таҳлилни ўтказишда норматив ҳужжатларга мувофиқ барча кўрсаткичлар ёки фақат келишмовчилик оқибатида юзага келган кўрсаткичлар аниқланади.

Низоли ҳолат учун таҳлиллар етказиб берувчи ҳамда қабул қилувчи ташкилот билан келишилган ҳолда аккредитациядан ўтган мустақил лабораторияда ўтказилади.

24. Лаборатория таҳлилларини ўтказмасдан нефть маҳсулотларини қабул қилиш, бериб юбориш, ташкилот ичида кўчириш ҳамда резервуарларни тозалаш жараёнларини амалга ошириш қатъиян ман этилади. Бундай ишларни бажариш учун ташкилот раҳбарининг буйруғи бўлиши ҳамда буйруққа лаборатория мудирини томонидан имзо қўйилган бўлиши лозим. Лабораторияда тегишли таҳлиллар амалга оширилгандан сўнг нефть маҳсулотлари цистерналардан қўйиб олинади.

25. Барча лаборатория ходимлари нефть маҳсулотларига тегишли бўлган норматив ҳужжат талабларини, уларни синондан ўтказиш усулларини, ишни илмий асосда ташкил этиш борасидаги тавсияларини билишлари, доимий равишда техник билимларини ҳамда иш тажрибаларини ошириб боришлари лозим. Таҳлиллар йилда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда ўтказилади, шунингдек аввалги кўрсаткичлар билан солиштирилади.

26. Лабораторияда нефть маҳсулотлари таҳлилидан ташқари қўйидаги таҳлиллар ҳам амалга оширилади:

киш мавсумига тайёргарлик пайтида йилига бир марта эстакада гидравлик сақлагич клапанларидаги ишчи суюқликнинг ҳамда гидротизимнинг совиш ҳароратини таҳлил қилиш;

нефть маҳсулотлари билан атроф-муҳит ифлосланишига йўл қўймаслик учун саноат оқова сувларини тозалаш иншоотидан рельефга чиқариб ташлашдан олдин таҳлилдан ўтказиш;

таъмирлаш ишларидан олдин резервуарлар, қудуқлар ҳамда маҳсулот-насос бўлинмаларини белгиланган техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда синчиклаб текшириш, резервуарлар ва қудуқларда йиғилиши мумкин бўлган газ босимларини аниқлаш. Ушбу ҳолат юзасидан мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ Резервуарлар ва маҳсулот қувурларининг техник ҳолатини ҳисобга олиш журналига (Z-30-сонли шакл) тегишли ёзувлар қайд қилинади.

27. Нефть маҳсулотларининг сифатини ҳисобга олиш мазкур Йўриқноманинг 6, 7, 8, 9-иловаларига (Z-39, Z-40, Z-41 ва Z-42-сонли шакллар) мувофиқ шаклларда амалга оширилади. Z-39, Z-40, Z-41 ва Z-42-сонли шакллар бўйича китоблар лаборатория мудирини томонидан юритилади.

Таҳлил натижалари ўн кунда камида бир марта ёзиб борилади, таҳлил ўтказилган оралиқ муддатлари кўрсатилади ва лаборатория бошлиғи томонидан имзоланади.

28. Таҳлиллар учун ректификация ёки гидролизланган этил спиртининг сарфи мазкур Йўриқноманинг 10-иловасида келтирилган меъёрларга мувофиқ амалга оширилади.

29. Лаборатория ишлари йиллик ва чораклик режалар бўйича ташкил этилади.

Лаборатория ишларининг йиллик режаларида қуйидагилар назарда тутилади:

- нефть маҳсулотларини янгилаш графиги;
- нефть маҳсулотларини таҳлил қилиш графиги;
- назорат-ўлчов асбобларини текшириш графиги.

Лаборатория ишларининг чорак режаларида қуйидагилар назарда тутилади:

нефть маҳсулотларини қабул қилишда, сақлашда ҳамда бериб юборишда уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича лаборатория ишларини ўтказиш, шунингдек уларни сақлаш технологияларига амал қилиш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини ўтказиш;

керакли ускуналар, асбоб-анжомлар, реактивларни сотиб олиш;

маҳсулотлар сақланишини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларни олиб бориш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

30. Нефть маҳсулотларининг сифатини текшириш учун ГОСТ 2517 «Нефть ва нефть маҳсулотлари. Намуна олиш усули»га мувофиқ намуналар танлаб олинади.

Намуналар нефть маҳсулотларини қабул қилишда нефть маҳсулотлари қуйиб олинганга қадар цистерналардан, сақлашда — резервуарлардан олинади.

31. Танлаб олинган намунанинг ҳароратини ўлчаш зарурати туғилганда намунани танлаб олувчи уни белгиланган сатҳда 5 минутдан кам бўлмаган вақт мобайнида ушлаб туради. Нефть маҳсулотининг резервуардаги ўртача ҳароратини топиш учун ўзаро нисбатда олинган алоҳида-алоҳида олинган нуқтали намуналар ҳароратининг ўртача арифметик қиймати ҳисобланади.

32. Цистерналардан нефть маҳсулотлари намунасини танлаб олиш қабул қилувчи ва етказиб берувчи ташкилот ёки учинчи ташкилотнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади ҳамда мазкур Ўйриқноманинг 11-иловасига мувофиқ Цистерналардан намуна олиш далолатномаси (Z-35-сон шакли) билан расмийлаштирилади.

Намунанинг бир қисми лабораторияда таҳлил қилиш учун ишлатилади, иккинчи қисми норматив ҳужжатда назарда тутилган миқдорда низоли ҳолат учун таҳлилга зарурат туғилганда ишлатиш учун ташкилотда сақланади, учинчи қисми эса етказиб берувчи ташкилотга берилади.

33. Нефть маҳсулотлари намуналари низоли ҳолат учун ёки бошқа лаборатория томонидан алоҳида кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилиш учун танлаб олинганда мазкур Ўйриқноманинг 12-иловасига мувофиқ Намуна олиш далолатномаси (Z-43-сон шакл) билан расмийлаштирилади.

34. Сақлаш жараёнида назорат таҳлилини ўтказиш учун, узоқ муддат сақлашга қўйишдан олдин ҳамда бериб юборишдан олдин тўлиқ таҳлил қилиш учун намуналарни танлаб олишда Намуна олиш далолатномаси (Z-43-сон шакл) тузилмайди.

35. Барча намуналар мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ Нефть маҳсулотлари намуналарини рўйхатга олиш китобига (Z-44-сон шакли) қайд қилинади.

36. Нефть маҳсулотининг намунаси эҳтиёткорлик билан олиб келингандан сўнг тоза ва қуруқ шиша идишларга қўйилади. Шиша идишлар намуналарни аралаштириш учун юқори қисмигача тўлдирилмайди ва нефть маҳсулотларида эримайдиган тиқин билан қаттиқ ёпиб қўйилади. Намуна солинган идишнинг бўйин қисми полиэтилен плёнкаси ёки қаттиқ қоғоз билан ўралади, сўнгра ингичка ип билан боғланади, ипнинг устидан қоғоз ёрлиқ елимланиб ёпиштирилади ва ташкилот муҳри билан муҳрланади.

37. Маҳсулот намунаси қўйилган ҳар бир идишдаги ёрлиқда қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

нефть маҳсулотининг номи ҳамда унинг маркаси;

нефть маҳсулотига тегишли бўлган норматив ҳужжат;

ташкилот номи;

намуна олинган цистерналар ёки резервуар рақамлари;

танлаб олиш санаси ҳамда намуна рақами;

намуна олган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми.

38. Нефть маҳсулотлари бериб юборилган кундан бошлаб уларнинг сифати бўйича юзага келиши мумкин бўлган низоли ҳолатлар учун намуналар 45 кун давомида сақланади. Нефть маҳсулотлари қабул қилиб олинганда уларнинг сифати бўйича юзага келиши мумкин бўлган низоли ҳолат учун намуна 90 кун мобайнида сақланади. Танлаб олинган намуналар сифати юзасидан низолар юзага келганда улар ҳал қилингунига қадар, бироқ кўрсатилган муддатлардан кам бўлмаган муддатларда сақланиши шарт.

39. Таҳлил учун олинган нефть маҳсулотларининг намуналари йилига бир марта, йилнинг 1 октябрь ҳолатига, юклаб юборилганда ҳамда резервуар тўлиқ тозаланганда лаборатория томонидан Нефть маҳсулотлари намуналарини рўйхатга олиш китобидан (Z-44-сон шакл) бериладиган кўчирмага мувофиқ ҳисобдан чиқариб ташланади. Низоли ҳолатлар учун намуналарни ҳисобдан чиқаришда мазкур Йўриқноманинг 14-иловасига мувофиқ Низоли ҳолатлар учун намуналарни сақлашни бекор қилиш ҳақида далолатнома (Z-36-сон шакл) расмийлаштирилади.

Таҳлиллар учун ишлатилмай қолган нефть маҳсулотларининг қолдиқлари лаборатория ходимлари томонидан тегишли тозалаш идишларига қўйилади ёки худди шу номдаги маҳсулот солинган резервуарга қўйилади.

40. Намуналар назорат таҳлили учун аккредитациядан ўтган лабораторияга юборилаётганда намуналар билан бирга мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ Намуна олиш далолатномаси (Z-43-сонли шакл) қўшиб юборилади. Юборилаётган кузатув хатида нефть маҳсулоти сифатини текширишда лозим бўладиган физик-кимёвий кўрсаткичлар ҳамда мазкур ишни бажариш муддати кўрсатилади.

**IV боб. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш****1-§. Умумий талаблар**

41. Нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилиш шартнома асосида, қонун ҳужжатлари ва мазкур Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

42. Узоқ муддат сақлаш учун қабул қилинаётган нефть маҳсулотлари норматив ҳужжат талабларига мувофиқ қабул қилинади. Етказиб беришдан 3 ой олдин ишлаб чиқарилган партиялардаги нефть маҳсулотлари ташкилотга узоқ муддат сақлаш учун қабул қилиниши мумкин эмас.

43. Нефть маҳсулотларини ташиш темир йўл цистерналари ёки автоцистерналарда амалга оширилади.

44. Нефть маҳсулотларини узоқ муддат сақлашга қабул қилиш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

резервуарларни, маҳсулотни қуйиш-тўкиш мосламаларини норматив ҳужжат талабларига мувофиқ тайёр туришини таъминлаш, белгиланган муддат мобайнида маҳсулот сифатига зарар етказмаган ҳолда унинг тўлалигича сақланишини таъминлаш, шунингдек белгиланган меъёрларга нисбатан табиий йўқотишни максимал даражада камайтириш, ушбу ҳолатлар юзасидан аниқланган камчиликлар бўлса, тўлақонли бартараф этиш;

келтирилган маҳсулот номларининг бериб юбориш ҳужжатларига, сифати эса — норматив ҳужжатларга мос келишини аниқлаш.

45. Нефть маҳсулотлари қуйиладиган резервуарлар олдиндан таъмирланган бўлиши, илгари сақланган нефть маҳсулотларининг қолдиқларидан (турли чўкмалар, смолалар, окалин ва сув) яхшилаб тозаланган бўлиши лозим. Резервуарларни қуйишга тайёрлашда ички тутиб турувчи конструкцияларнинг, деворларнинг, полимер қопламаларнинг, уланиш жойларининг, буғ регистрларининг, нафас олиш ҳамда сақлагич клапанларининг ҳолатига, том, қувур ўтказгичларнинг ўзи ёпиладиган қопқоғи ва бошқа ускуналарнинг герметиклиги, суриладиган клапан ва жўмрақларнинг, шунингдек иссиқликни алмаштириб берувчи ва бошқа иситиш қурилмаларининг мустақамлигини назорат қилиш ва текширишга алоҳида эътибор бериш лозим.

46. Резервуарлар, ускуналар ва алоқа воситаларида аниқланган камчиликлар бартараф этилиши лозим. Таъмирланган ва қуйишга тайёрланган резервуарларнинг қопқоқли туйнуклари ёпилган ҳолда бўлиши лозим.

47. Нефть маҳсулотлари етказиб берилганда цистерналарнинг ҳолати ва тозалиги техник кўриқдан ўтказилади, пломбаларнинг мавжудлиги ва бутунлиги, цистерналар рақамларининг юк хатида кўрсатилган рақамларга мослиги, транспорт ҳужжатларига илова қилинадиган сифат паспортларининг мавжудлиги ва уларнинг тўлиқ тўлдирилганлиги, шунингдек сифат паспорти тўлдирилишига асос бўлган тўлиқ ва назорат таҳлиллари ўтказилган муддати текширилади.

Тўлиқ таҳлил нефть маҳсулотларини юклаб юбориш кунидан 2 ойдан



ортиқ бўлмаган муддатда, назорат таҳлили эса 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилган бўлиши шарт.

48. Етказиб берувчи ташкилотнинг сифат паспорти маҳсулот тўлиқ юклаб юборилган кундан бошлаб 7 ойдан кам бўлмаган муддат давомида сақланиши лозим.

49. Маҳсулотга оид норматив ҳужжат талабларига сифат паспортининг мос келиши текширилгандан сўнг, ҳар бир цистернадаги нефть маҳсулотининг қўйилганлик сатҳи ўлчанади, маҳсулотнинг ҳарорати, сувнинг мавжудлиги ҳамда норматив ҳужжатларга мувофиқ танлаб олинган намуналарнинг мавжудлиги текширилади.

50. Нефть маҳсулотларини қабул қилишда уларни резервуарларга ҳайдашнинг (куч ёрдамида ҳаракатлантириб кўчириш) технологик харитаси ишлаб чиқилади. Технологик харита ҳар бир резервуар учун маҳсулотнинг максимал ҳароратидан келиб чиққан ҳолда (олдинги сақлаш тажрибаси ёки маҳаллий метеохизмат маълумотлари асосида) тузилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади. Бунда сақлаш участкаси бошлиғи технологик харита тўғри ишлаб чиқилишига шахсан ишонч ҳосил қилиши ҳамда маҳсулот-насос бўлинмаси ва резервуарлар линияси бўйлаб доимий назорат ўрнатиши шарт.

Резервуарлар белгиланган меъёргача тўлдирилади. Бир резервуар тўлиқ тўлдирилмасдан кейинги резервуарни тўлдириш мумкин эмас. Бир турдаги, бироқ турли маркадаги (турли даражадаги олтингугурт таркибли) нефть маҳсулотлари етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

Резервуарларни тўлдириш кетма-кетлиги (тартиби) технологик харитада кўрсатилади.

51. Нефть маҳсулотларини цистерналардан бўшатишдан аввал маҳсулот сифатини текшириш учун назорат таҳлили ўтказилади, келтирилган маҳсулот маркасининг илова ҳужжатларида кўрсатилган маркаларга мувофиқлиги текширилади.

52. Келтирилган нефть маҳсулотларининг оғирлигини аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

цистерналар ҳамда резервуарлар бўйича калибрлаш жадвалларини тўғри тузишга;

қиёсланган ўлчаш воситаларини (рулеткалар, метрштоклар, ариометрлар, ҳисоблагичлар ва ҳоказо) ишлатишга;

резервуар остки қисмидаги нотекисликлар ва қияланишларини тўғри аниқлашга;

маҳсулот резервуарга қўйилгандан сўнг 2 соатдан кам бўлмаган вақт ичида унинг сатҳи, зичлиги, резервуардаги ҳароратни ўлчашга;

резервуарлардаги маҳсулот ости сувини тўғри аниқлашга.

53. Таркибида олтингугурт миқдори 0,2 фоиз ва 0,2 фоиз дан 0,5 фоизгача бўлган дизель ёқилғиси партияси етказиб берилганда улар турли резервуарларга қўйилади.

54. Қўйиш ишлари амалга оширилаётганда цистерналарнинг оғзи маҳ-

сулотни атмосфера ёгинлари билан ифлосланишидан химоя қилиш, маҳсулотнинг буғланиб кетиши туфайли йўқотилишининг олдини олиш мақсадида брезент жилдлар билан ёпиб қўйилади. Қўйиш қувурларининг учлари эса жилдлар билан ёпилган бўлиши шарт.

55. Ҳаво ҳарорати минус даражада бўлганда цистерналардан мотор мойлари ва ёзги маркалардаги дизель ёқилғисини қўйишда бундай ёқилғи унинг маркаси ва ҳаво ҳароратидан келиб чиқиб қизитилади. Бунда қизитиш ҳарорати маҳсулотнинг ўт олиш ҳароратидан ошиб кетмаслигини таъминлаши шарт. Қизитиш билан бир вақтда маҳсулотнинг бир қисми бевоқиф резервуарга қўйилади.

56. Ҳайдовчи воситаларнинг лойиҳавий самарадорлигини таъминлаш ҳамда ёқилғи энергиясини тежаб сарфлаш мақсадида қуюқ нефть маҳсулотлари қўйидаги ҳароратларгача қизитилади:

МС-20 — 30° С;

МТ-16П — 24° С;

М-10В2 — 14° С;

«Л» маркали дизель ёқилғиси — қуюқлашиш ҳароратидан 4-5° С юқори.

57. Нефть маҳсулотларини цистерналардан бўшатишда маҳсулот тасдиқланган технологик харитага мувофиқ тегишли маркаси бўйича алоҳида қувурларга қўйилади.

58. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 43-сон, 436-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўл уставининг 146-бандига кўра, темир йўл орқали ташишда темир йўл, юк жўнатувчилар, юк олувчиларнинг моддий жавобгарлиги юзга келишига асос бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар тижорат далолатномалари ёки темир йўл станциялари томонидан тузиладиган умумий шаклдаги далолатномалар билан тасдиқланади.

59. Норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган нефть маҳсулотлари келиб тушганда улар алоҳида резервуарларга вақтинчалик сақлаш учун қўйилади ҳамда бу ҳақда етказиб берувчи ташкилотга зудлик билан хабар берилади. Бўш резервуарлар йўқ бўлган ҳолларда етказиб берувчи ташкилотга нефть маҳсулотини бошқа манзилга зудлик билан жўнатиш тўғрисида билдиришнома юборилади. Билдиришномада жўнатиш санаси, транспорт ҳужжатлари ва цистерналарнинг рақамлари, норматив ҳужжат талабларига мос келмайдиган ва сифати номувофиқ ҳамда яроқсиз деб топилган нефть маҳсулотларининг ҳажми кўрсатиб ўтилади.

60. Агар қўйидаги ҳолатлар аниқланса, келиб тушган нефть маҳсулоти алоҳида резервуарга қўйилади ҳамда олинган намуналар тўлиқ таҳлил қилинади:

цистерна пломбага эга бўлмаса ёки у бутун бўлмаса, шунингдек темир йўл цистерналари маҳсулот бериб юборилган станция томонидан эмас, балки оралиқ станция томонидан пломбаланган бўлса;

цистерналар етказиб берувчининг ҳужжатларисиз етиб келса;

назорат таҳлили маълумотларига ёки етказиб берувчи ташкилотнинг

сифат паспортидаги маълумотларига кўра жўнатилган нефть маҳсулотлари норматив ҳужжатнинг бирорта кўрсаткичи талабларига тўғри келмаса ёхуд ушбу кўрсаткич етказиб берувчи ташкилотнинг сифат паспортида кўрсатилмаган бўлса.

61. Таҳлил ўтказишда нефть маҳсулотининг резервуарда 20° С ҳароратдаги зичлиги ГОСТ 3900 «Нефть ва нефть маҳсулотлари. Зичликни аниқлаш усуллари» талабларига мувофиқ аниқланади.

## **2-§. Нефть маҳсулотини қабул қилиш жараёнида ҳужжатларни расмийлаштириш**

62. Резервуарларнинг нефть маҳсулотларини қабул қилиш учун тайёрлиги мазкур Йўриқноманинг 15-иловасига мувофиқ далолатнома (Z-45-сон шакл) билан расмийлаштирилади. Резервуарларнинг тайёрлиги ва техник созлигини аниқламасдан тўлдириш қатъиян ман этилади.

Мазкур Йўриқноманинг 15-иловасига мувофиқ далолатнома (Z-45-сон шакл) қўйидагилар тўғрисида ҳам тузилади:

қурилгандан сўнг фойдаланишга қабул қилинган (ишга туширилган) маҳсулот ўтказгичларининг қўйишга тайёрлиги тўғрисида;

вакуум ва тозалаш идишларининг ҳолати ва маҳсулотни қабул қилувчи мосламаларнинг техник соз ҳолатда ва ишга тайёрлиги тўғрисида.

63. Нефть маҳсулотларини қабул қилиб олишда қўйидагилар амалга оширилади:

узоқ муддат сақлашга келиб тушган нефть маҳсулотлари моддий жавобгар шахс, лаборатория ходими ва транспорт ташкилоти вакилининг иштирокида қабул қилинади;

ташкилот лабораториясида нефть маҳсулотлари сифатининг назорат таҳлили ўтказилади;

шартномада назарда тутилган сифат паспорти, мувофиқлик сертификати ва бошқа ҳужжатлар тўлиқ текширилади.

64. Келиб тушган нефть маҳсулотлари миқдори ҳар бир цистернада бевосита ўлчовлар ўтказиш орқали аниқланади.

Зарар етмаган идишдаги нефть маҳсулотлари нетто оғирлиги ва ҳар бир идишдаги маҳсулот бирлигининг миқдорига кўра қабул қилинади. Зарарланган ёки пломбалар бузилган ҳолатларда нефть маҳсулотларининг ҳажми маҳсулот тарозиларида ўлчаш орқали аниқланади.

65. Маҳсулотларни қабул қилувчи шахслар фақатгина ўзлари бевосита иштирок этган ва аниқлаган фактлар бўйича ўзларининг шахсий имзоларини қўйиб тасдиқлашлари лозим. Бевосита қабул қилиш ишларида аниқланмаган маълумотларни далолатномада қайд этиш қатъиян ман қилинади.

66. Темир йўл цистерналарида келтириладиган нефть маҳсулотлари учун мазкур Йўриқноманинг 16-иловасига мувофиқ далолатнома (Z-46-сонли шакл), автоцистерналарда олиб келинадиган нефть маҳсулотлари учун эса мазкур Йўриқноманинг 17-иловасига мувофиқ далолатнома (Z-47-сонли шакл) тузилади.

Z-46-сонли ва Z-47-сон шаклдаги берилган далолатномалар маҳсулотнинг келиб тушган куни тузилади ва эртасига ташкилот раҳбарига тасдиқлаш учун такдим қилинади. Z-46-сонли ва Z-47-сон шаклдаги далолатномалар икки нусхада, етказиб берувчи ташкилотга талабнома билдириш зарурати туғилганда эса уч нусхада тузилади.

Далолатнома маҳсулот миқдорини текширишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади.

67. Агар маҳсулотни қабул қилишда транспорт ҳужжатларида кўрсатилганига нисбатан кўп миқдорда маҳсулот аниқланса, у ҳолда далолатномада мазкур ортиқча миқдор тўғрисида аниқ маълумотлар кўрсатилиши керак.

68. Агар маҳсулотни қабул қилишда транспорт ҳужжатларидаги маълумотга зид тарзда камомад аниқланса, маҳсулотни миқдор бўйича қабул қилиб олиш натижалари Z-46, Z-47-сон шаклдаги далолатномаларда акс эттирилади ва етказиб берувчи ташкилотга талабнома билдирилади.

Талабномага қуйидагилар илова қилинади:

а) темир йўл цистернасидан қабул қилиб олишда:

темир йўл юк хати;

маҳсулот камомати суммаси ҳисоби;

камомад аниқланган цистерна пломбасининг сурати;

талабномага асос бўлувчи бошқа ҳужжатлар.

б) автоцистернадан қабул қилишда:

товар-транспорт юк хати;

етказиб берувчи ҳисоби;

маҳсулот камомати суммаси ҳисоби;

камомад аниқланган цистерна пломбасининг сурати;

талабномага асос бўлувчи бошқа ҳужжатлар.

69. Z-46, Z-47-сон шаклдаги далолатномалари қабул қилувчи ташкилотда рўйхатга олинади ва сақланади.

70. Маҳсулот камомати ҳақида талабномани олгандан сўнг етказиб берувчи ташкилот раҳбарияти талабнома материаллари бўйича хизмат текшириши тайинлайди.

Текширув материаллари етказиб берувчи ташкилот раҳбари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Текширув натижалари бўйича суниестемол қилиш ёки маҳсулотни ўғирлаш ҳолатлари аниқланадиган бўлса, етказиб берувчи ташкилотнинг раҳбари бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга дарҳол хабар қилиши керак.

Талабномани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида етказиб берувчи ташкилот иккинчи томонни хабардор қилади.

71. Агар аниқланган камомад бўйича жавобгарликни транспорт ташкилоти зиммасига қўйишга асос бўлса, қабул қилувчи ташкилот ундан тижорат далолатномасини олади ва аниқланган камомадга талабнома юборди.

72. Узоқ муддат сақлашга яроқсиз бўлган, сифат бўйича норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган нефть маҳсулотларига мазкур Йўриқ-

номанинг 18-иловасига мувофиқ уч нусхада Маҳсулотнинг сифати номувофиқ деб топилганлиги тўғрисидаги далолатнома (Z-48-сонли шакл) тузилади. Унинг биринчи нусхаси талабнома билан бирга етказиб берувчи ташкилотга, иккинчиси эса «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясига жўнатилади, учинчи нусхаси эса ташкилот бухгалтериясида қолдирилади.

Далолатномада нефть маҳсулотининг номи, миқдори, қаердан, қаерга ва қандай цистерналарда келтирилгани, транспорт хужжатлари рақамлари, яроқсизга чиқариш бўйича кўрсаткичлар албатта кўрсатилиши керак. Агар нефть маҳсулоти ташкилот резервуарига қўйилган бўлса, далолатномада ушбу маҳсулот вақтинча сақланаётган резервуар рақами ёзиб қўйилади.

Нефть маҳсулотларининг тури алмашиши, маркировканинг нотўғрилиги ва нефть маҳсулотлари идишининг стандартга мос келмаган ҳолатлари ҳам мазкур Йўриқноманинг 18-иловасига мувофиқ уч нусхада далолатнома билан расмийлаштирилади.

73. Ташкилотга келиб тушган, лекин узоқ муддат сақлашга яроқсиз деб топилган нефть маҳсулотлари узоқ муддат сақлашга қабул қилинмайди. Бундай нефть маҳсулотлари вақтинча сақлашга қабул қилинади, улар учун жавобгарлик етказиб берувчи ташкилот томонидан олиб чиқиб кетилишига қадар қабул қилиб олган жавобгар шахслар зиммасида бўлади.

#### **V боб. Нефть маҳсулотларини сақлаш**

74. Нефть маҳсулотларини сақлашда қўйидагиларга эътибор берилади: белгиланган сақлаш муддати давомида маҳсулот сифатини сақлаш ва уни истеъмолчиларга норматив хужжат талабларига мувофиқ ҳолатда бериб юбориш;

сақлашда нефть маҳсулотининг табиий йўқотилишини камайтириш.

75. Нефть маҳсулотининг ҳар бир маркаси алоҳида сақланади. Нефть маҳсулотларини ҳар бир маркаси бўйича алоҳида резервуарларга қўйишда қувурлар, насослар, қўйиш-тортиш тиргаклари, эстакадалар, қизитиш ускуналаридан фойдаланилади.

76. Узоқ муддат сақлашга қабул қилинган нефть маҳсулотларини сақлаш муддатлари сақлаш шароитларига риоя қилинганда қўйидагича:

ер усти резервуарлардаги бензин ёқилғиси — 5 йил;

ер усти ва ер ости резервуарлардаги дизель ёқилғиси — 8 йил;

ер усти ва ер ости резервуарлардаги ТС-1 ёқилғиси — 4 йил;

ер усти ва ер ости резервуарлардаги мотор мойлари (МС-20, МТ-16п дан ташқари) — 5 йил;

МС-20, МТ-16п мойлари — 6 йил.

Нефть маҳсулотларини сақлаш муддати ишлаб чиқарилган санадан бошлаб ҳисобланади.

77. Нефть маҳсулотларини сақлаш муддати, агар у барча сифат кўрсаткичлари бўйича норматив хужжат талабларига мос келса ва узоқ муддат

сақлашда ўзгаришга ўта мойил бўлган кўрсаткичлар бўйича сифат захира-сига эга бўлса, узайтирилиши мумкин. Реактив ёқилғилар, авиамойлар ва МТ-16п мойларининг сақланиш муддатлари узайтирилмайди.

Сақлаш муддатини узайтириш учун акредитациядан ўтган лаборатория-нинг синов баённомаси асос бўлиб хизмат қилади.

78. Ташкилотда сақланаётган нефть маҳсулотлари белгиланган муддат-ларда янгилашиб турилиши керак. Янгилаш графиклари белгиланган сақлаш муддатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили сақлаш участкаси бошлиғи ҳамда лаборатория мудирини томонидан тузилиб, ташкилот раҳбари томонидан тас-диқланади, сўнгра уч кунлик муддатда Қўмитага тақдим қилинади.

79. Реактив ёқилғининг тозаланиши таъминлаш мақсадида улар ФГН-120 ва ФГН-120 М туридаги майин тозалаш филтёрлари (бундан буён матнда майин тозалаш филтёрлари деб юритилади) орқали қуйидаги тартибда филтёрланади:

юклаш бошида 10 — 15 минут (агар аввалги юклаш вақтидан сўнг 30 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса, цистернага қувурлардан занг тушмасли-гини олдини олиш учун);

тозалаш ускуналари орқали резервуардан чиқмайдиган қолдиқни цис-терна ёки бошқа резервуарга тортиб олишда (резервуар тубидаги ёқилғи қатламлари таркибида энг кўп механик аралашмалар бўлиши сабабли);

юклаш ва қабул қилишдан олдин қуйиш-тўкиш эстакадаларининг қувур-ларини ювганда;

вакуумли ва тозалаш идишларидан ёқилғини тортиб чиқарганда.

80. Мотор мойлари ва дизель ёқилғисини мазкур Йўриқноманинг 56-банди-да кўрсатилган ҳароратгача қиздириш, фақатгина уларни юклашга тайёрлашда ёки бошқа резервуарга кўчиришда қўлланилиши мумкин. Сақлаш давомида қиздириш ишлари амалга оширилмайди.

Мотор мойлари чўкмалар билан сақланганда эмульсияли ажратмалар ажралиши, барий таркибининг пасайиши, чўкманинг етарлича гидrolитик жиҳатдан барқарор эмаслиги ҳисобига кул ажралиб чиқиши сабабли йилда икки марта баҳор-ёз ва куз-қиш даврида ишқор миқдори, кул ёки эмульсия-ли ажратмаларнинг таркибий ўзгаришини аниқлаш керак.

Эмульсияли ажратмалар резервуар сифимига нисбатан (максимал қуйил-ганда), 0,3 фоиз миқдорда ажралиб чиққанда мотор мойи дарҳол янгила-ниши зарур.

81. Нефть маҳсулоти сифат ва миқдор жиҳатдан сақланишини таъмин-лаш мақсадида қиш пайтида резервуарлар ва қувурлар, резервуарлардаги кулфлаш арматураларининг герметиклиги, маҳсулот-насос бўлимларининг техник созлиги доимий назорат қилиб турилади. Резервуарлардаги ва бош-қа сифимлардаги маҳсулотлар ташқи кўрик ва резервуарлар сатҳи даража-сини ўлчаш билан назорат қилинади.

82. Резервуар томларининг герметиклиги ва нафас олиш ускунасининг иши йилда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда, баҳор-ёз даврида текшириб турилади. Юқори тарангликдаги бугга эга нефть маҳсулотлари сақланади-

ган резервуарлар томининг герметиклигини текшириш баҳор-ёз вақтида ҳар ойда бир марта ўтказилади.

Резервуарнинг газли муҳитдаги босими ва вакуумни текшириш учун U шаклидаги суюқли манометрдан фойдаланилади.

83. Йилда икки марта (баҳор ва кузда) нафас олиш ва гидравлик сақлаш клапанлари бўйича сошлаш ишлари ўтказилиб турилиши керак. Бунда ишчи суюқлик гидравлик сақлаш клапанларига қўйилади ва ундан қолдиқлар оқизилади. Кузда бу суюқликнинг ҳар бир клапанида қуюлиш ҳарорати текшириб турилиши керак. Ундаги ҳарорат мазкур ҳудуддаги энг қуйи ҳароратдан ҳам пастроқ бўлиши керак.

84. Вакуумли ва тозалаш идишларидан қолдиқ нефть маҳсулотларини тортиб чиқариш керак. Бундай маҳсулотларни сақлашга йўл қўйилмайди. Вакуумли ва тозалаш идишларини ҳамда маҳсулот қабул қилувчи мосламаларни оч рангли нефть маҳсулотлари ва бошқа чўкмалардан тозалаш ишлари йилда камида икки марта амалга оширилади.

Йилда камида бир марта фланцлар очилади, эстакада ва фильтр коллекторларининг уч қисмлари тозаланади.

85. Нефть маҳсулоти бир резервуардан бошқа резервуарга кўчирилганда Z-39, Z-40, Z-41 ва Z-42-сонли шаклдаги китобларга тегишли қайд киригилади ҳамда кўчириш тўғрисидаги ташкилот раҳбари буйруғининг рақами ва санаси кўрсатилади.

86. Нефть маҳсулотини бир резервуардан бошқа бирига қўйишда ўтказилган таҳлил натижалари навбатдаги сифат назоратига қадар сақланади.

87. Узоқ муддат сақлашда ўзгаришга мойил бўлган қўйидаги нефть маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларига асосий эътибор қаратилиши керак:

автомобиль бензинларида — октан сони, фракцион таркиби, масса улуши, фактик смола ҳиссаси, кислота миқдори ва индукция даври, қўрғошин масса улуши (этиллашган);

авиация бензинларида — октан сони, навлилик, тетраэтил-қалай таркиби, фракцион таркиб, кислота миқдори ва мунтазамлик даври;

толуолда — фракцион таркиб;

реактив ёқилғиларда — фактик смолаларнинг масса улуши, кислота миқдори ва иссиқликнинг мунтазамлиги;

дизель ёқилғиларида — кислота миқдори ва фактик смолаларнинг масса улуши;

мотор мойларида — кислота миқдори, ишқор миқдори, кул миқдори, механик аралашмалар ва сувнинг масса улуши.

88. Нефть маҳсулотининг сифати норматив ҳужжат талабларига мувофиқ бўлган, бироқ бирор кўрсаткич бўйича сезиларли пасайиш аниқланган барча ҳолларда резервуардаги нефть маҳсулоти алоҳида назорат остига олинади. Унинг сифатини текшириш белгиланган муддатдан кўпроқ бўлади ва белгиланган сақлаш муддати тугагунга қадар янгиланади. Бу ҳақда ташкилот дарҳол Қўмитага хабар беради. Қўмита тайинлайдиган комиссия томо-

нидан маҳсулот сифати бузилиши сабаблари аниқланади, айбдор бўлган шахслар жавобгарликка тортилади.

## **VI боб. Нефть маҳсулотларини бериб юбориш**

### **1-§. Умумий талаблар**

89. Нефть маҳсулотларини бериб юбориш учун Қўмита томонидан бериладиган нарядлар асос бўлади.

90. Нефть маҳсулотларини юклаб беришда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга юклаб бериш бўйича режалар ва топшириқларни белгиланган муддатларда бажариш;

темир йўл цистерналарини ва автоцистерналарни юклашга тайёрлаш ишлари ГОСТ 1510 «Нефть ва нефть маҳсулотлари. Пломбалаш, ўраш, транспортда ташиш ва сақлаш» ва бошқа норматив ҳужжатларга мос равишда амалга ошириш;

нефть маҳсулотлари учун мўлжалланган цистерналарни мазкур Йўриқнома ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига мос равишда лаборатория ва сақлаш участкаси ходимлари томонидан диққат билан кўздан кечириш;

цистерналарга маҳсулотни қўйиш ва резервуарларни тозалаш вақтида нефть маҳсулотларининг миқдор ва сифат жиҳатидан бутлигини таъминлаш.

91. Биринчи навбатда олдинроқ келиб тушган ёки муддатдан аввал янгиланишни талаб қилинувчи нефть маҳсулотлари юклаб жўнатилади.

92. Юклаб беришдан икки ой олдин нефть маҳсулотларининг сифати мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ Ташкилотларда нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга бериб юборишдан олдин ўтказиладиган таҳлил ҳажмлари асосида тўлиқ таҳлил қилинади.

93. Дизель ёкилғисини юклаб беришда узоқ муддат сақлаш учун қабул қилиш пайтида аниқланган цетан рақами сифат паспортига ёзилади.

94. Бир йилдан камроқ вақт сақланаётган автотрактор ёкилғиси ва мойлари тўлиқ таҳлилдан ўтказилмаслиги мумкин. Бу маҳсулотни юклаб бериш қабул қилиш вақтида ўтказилган тўлиқ таҳлил, сақлаш вақтида ўтказиладиган назорат таҳлили ва пикнометр ёрдамида қўшимча тарзда аниқланган зичлиги инобатга олинади.

95. Нефть маҳсулотларини цистерналарга қўйишдан олдин транспорт ҳужжатлари, цистерналарнинг ички ва ташқи юзалари текширилади.

96. Нефть маҳсулотлари учун мўлжалланган цистерналар техник жиҳатдан соз, ташиш қоидаларида белгиланган талабларга жавоб берадиган, олдин ташилган маҳсулотларнинг қолдиғидан тозаланган, норматив ҳужжат талабларига мувофиқ нефть маҳсулотларининг қўйилишига тайёр бўлиши керак. Нефть маҳсулотларини сифатсиз тозаланган, норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган ва носоз цистерналарга қўйилишига йўл қўйилмайди. Цистерналарнинг носоз ҳолати юзасидан мазкур Йўриқнома-



нинг 19-иловасига мувофиқ Цистерналарни кўриқдан ўтказиш далолатномаси (Z-49-сон шакл) расмийлаштирилиши шарт.

97. Реактив двигателлар учун ёқилғи юклаб жўнатилаётганда ёқилғиларга занг тушмаслиги ва ифлосланишларнинг олдини олиш мақсадида мазкур Йўриқноманинг 20-иловасига мувофиқ Реактив ёқилғининг тозалигини таъминлаш учун олиб борилган регламент ишларининг рўйхатида белгиланган ишлар амалга оширилади. Натижалари тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 15-иловасига мувофиқ далолатномага (Z-45-сон шакл) қайд киритилади.

98. Цистерналар нефть маҳсулотлари билан тўлдирилганидан кейин норматив ҳужжат талабларига мувофиқ ушбу маҳсулотлардан ўртача намуналар танлаб олинади. Нефть маҳсулотлари махсус истеъмолчилар учун юклаб жўнатилаётганда ҳар бир ўртача намуна бир манзил учун мўлжалланган барча цистерналардан олинади.

Бошқа истеъмолчилар учун эса бир манзилга жўнатиладиган ҳар тўртинчи цистернадан, лекин камида иккита цистернадан намуналар олинади ва ўртача намуна аниқланади.

99. Цистерналарни тўлдириш ва бўшатиш вақтида мазкур Йўриқноманинг 54-бандига мувофиқ маҳсулотнинг ифлосланишига қарши чоралар кўрилади. Цистерналар белгиланган нормалар доирасида тўлдирилади, цистерна копоққлари маҳкам қилиб ёпилади ва пломбланади.

100. Ташкилот томонидан юклаб жўнатиладиган нефть маҳсулотларига мазкур Йўриқноманинг 21, 22 ва 23-иловаларига мувофиқ шартномада назарда тутилган сифат паспортлари берилади. Сифат паспортининг биринчи нусхаси ташкилот бухгалтериясида қолади, иккинчи нусхаси эса транспорт юк хатига бириктирилади. Сифат паспортидаги кўрсаткичлар юклаб юборишга мўлжалланган резервуарлардан олинган нефть маҳсулотлари намуналарининг сўнгги лаборатория таҳлили асосида тўлдирилади.

Сифат паспорти рақами мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига мувофиқ Нефть маҳсулотлари намуналарини рўйхатга олиш китобининг (Z-44-сонли шакл) тартиб рақамига мос равишда ёзилади.

101. Транспорт ҳужжатлари транспортда юк ташиш қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилади. Транспорт ҳужжатининг тегишли графаларида нефть маҳсулотининг цистернада сақланаётган вақтидаги ҳароратининг аниқ зичлиги кўрсатилиши шарт.

102. Резервуардаги маҳсулотларнинг чиқмайдиган қолдиқлари тозалаш қувурларидан ўтказиш орқали истеъмолчиларга юклаб жўнатилади. Айрим ҳолларда ушбу қолдиқлар нефть маҳсулоти навбатдаги юклаб юборилиши учун мўлжалланган резервуарга ўтказилади. Қолдиқлар ўтказилган резервуардаги нефть маҳсулоти тўлиқ таҳлил қилинади.

103. Тозалаш қувурларидан ўтказиш имкони бўлмаган нефть маҳсулотининг чиқмайдиган қолдиқлари кўчма ускуналар ёрдамида резервуарлардан қолдиқлар учун мўлжалланган тозалаш идишларига ўтказилади. Ифлосланишнинг олдини олиш мақсадида тозалаш идишлари оғзига кўчма тўрли хомаки тозалаш филтрлари ўрнатилади. Тозалаш идишида чўкма ҳолидаги

нефть маҳсулоти истеъмолчиларга юклаб жўнатилади ёки бошқа резервуарга ўтказилади.

Тўлдириш ишлари якунлангандан кейин ва маҳсулотнинг оғирлиги аниқлангандан сўнг цистерналар ГОСТ 1510 «Нефть ва нефть маҳсулотлари. Пломбалаш, ўраш, транспортда ташиш ва сақлаш» талабларига мувофиқ пломбланади.

## 2-§. Нефть маҳсулотларини бериб юбориш

104. Қўмитанинг нефть маҳсулотларини бериб юбориши бўйича наряди олингандан сўнг ташкилот раҳбари томонидан ҳар бир сақлаш участкасида резервуарларни, насос ва бошқа жиҳозларни, технологик коммуникацияларни, нефть маҳсулоти бериб юборилиши мўлжалланган резервуарлар рақами кўрсатилган ҳолда тегишли чораларни амалга ошириш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

105. Қўмита наряди ва ташкилот раҳбарининг буйруғи асосида қабул қилувчи ташкилот томонидан пул маблағлари келиб тушгандан сўнг бухгалтерия томонидан мазкур Ўўриқноманинг 24-иловасига мувофиқ наряд (Z-18-сонли шакл) ёзиб берилади.

Наряд (Z-18-сонли шакл) икки нусхада тўлдирилади ва ташкилот раҳбари, сақлаш участкаси бошлиғи ҳамда ташкилотнинг бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Ушбу шахслардан бирининг имзоси бўлмаган тақдирда наряд ҳақиқий деб ҳисобланмайди ва ижро учун қабул қилинмайди. Наряднинг биринчи нусхаси сақлаш участкаси бошлиғига имзоси қўйилган ҳолда топширилади. Наряднинг иккинчи нусхаси наряд ижросини назорат қилиш учун ташкилот бухгалтериясида қолдирилади.

Наряднинг амал қилиш муддати Қўмита нарядида кўрсатилган муддатга мувофиқ ҳамда жорий ой доирасида белгилаб берилади.

106. Нефть маҳсулотларини қабул қилувчи ташкилотга бевосита унинг вакили орқали ажратиб берилиши учун қабул қилувчи ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган ишончнома ва ушбу ишончномага маҳсулотни етказиб берувчи ташкилот бош ҳисобчисининг сақлаш участкаси бошлиғи номига ажратиб берилиши лозим бўлган маҳсулот ҳажми кўрсатилган «ажратиб берилсин» деган кўрсатмаси бўлиши шарт.

107. Сақлаш участкаси томонидан нефть маҳсулотларини темир йўл цистерналарига юклаб беришда мазкур Ўўриқноманинг 25-иловасига мувофиқ тўлдирилган юк хати (Z-50-сонли шакл), автоцистерналарга юклаб беришда мазкур Ўўриқноманинг 26-иловасига мувофиқ тўлдирилган Товар-транспорт юк хати (Z-51-сонли шакл) расмийлаштирилади.

108. Нефть маҳсулоти темир йўл цистерналарига юклаб берилганда бир иш куни давомида юклаб берилган нефть маҳсулоти ҳажмига мувофиқ икки нусхада юк хати (Z-50-сонли шакл) тузилади. Ҳақиқатда ажратиб берилган нефть маҳсулоти ҳақидаги маълумотлар юк хатида ҳар бир темир йўл цистернаси бўйича алоҳида кўрсатилади. Юк хатининг пастки қисмида юклаб берилган нефть маҳсулотининг жами ҳажми ёзилади.

Юк хатининг биринчи нусхаси ташкилот бухгалтериясига сақлаш участкаси бошлиғи томонидан топширилади, иккинчи нусхаси эса қўриқлаш хизматига топширилади ва темир йўл цистерналарининг ташкилот ҳудудидан чиқариб юборилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

109. Нефть маҳсулотларини автоцистерналарга юклаб беришда товар-транспорт юк хати (Z-51-сонли шакл) кўчиргич қоғози орқали тўрт нусхада расмийлаштирилади. Ҳисобчи оператор тегишли реквизитларни тўлдиради, «бериб юборишга рухсат берди» графасига имзо қўяди ва товар-транспорт юк хатларининг барча нусхаларини ҳайдовчи-экспедиторга топширади. Маҳсулотни қабул қилувчи ташкилотнинг ишончномасини ҳисобчи оператор ўзида қолдиради.

110. Автотранспорт воситасининг ташкилот ҳудудига кириб боришида қўриқчи товар-транспорт юк хатлари, автомобиль давлат рақам белгилари, цистернадаги қолдиқлар йўқлигини текширади ва автотранспорт воситаси белгиланган ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берса, ҳудудга киришига рухсат беради.

111. Нефть маҳсулотлари темир йўл цистернасига ёки автоцистернага қўйиб берилганидан кейин смена тугашига қадар нефть маҳсулотлари қўйиб берилишидан аввал ва ундан кейин резервуарни ўлчаш натижалари асосида ҳамда юк хатлари бўйича берилган нефть маҳсулоти миқдори асосида мазкур Йўриқноманинг 27-иловасига мувофиқ Ташкилотда мавжуд нефть маҳсулотлари, уларнинг ҳаракати ва ўлчашни ҳисобга олиш китобига (Z-52-сонли шакл) қайдлар киритилади. Мазкур китоб рақамланган, тикилган, муҳрланган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган бўлиши шарт.

Ҳар бир юк хати бўйича ажратиб берилган маълумотлар наряднинг орқа томонида алоҳида-алоҳида қилиб акс этирилади.

112. Нефть маҳсулотлари автотранспорт воситасида олиб чиқиладиганда товар-транспорт юк хатининг биринчи нусхаси ишончнома билан кейинчалик ташкилотнинг бухгалтериясига топшириш, ҳисоб-китоб бўйича нефть маҳсулотларини ҳисобдан чиқариш ва моддий жавобгар шахсга бериш учун ҳисобчи операторга топширилиши керак.

Товар-транспорт юк хатининг иккинчи нусхаси «Қабул қилди» ва «Топширди» устунларига имзо қўйиш орқали ҳайдовчи-экспедитор томонидан маҳсулотни қабул қилиб олувчи ташкилотга киримни қайд этиш учун топширилади.

Товар-транспорт юк хатининг учинчи нусхаси маҳсулотни марказлаштирилган ҳолда олиб чиқишда маҳсулотни қабул қилувчи ташкилотга топширилади.

Товар-транспорт юк хатининг тўртинчи нусхаси эса маҳсулотни қабул қилувчи ташкилот томонидан тасдиқланган ҳолда ҳайдовчи-экспедитор томонидан автотранспорт ташкилотига транспорт хизматлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун топширилади.

Автотранспорт воситасининг маҳсулотни ортиш учун келган вақти деб ҳайдовчи-экспедитор томонидан товар-транспорт юк хатининг ҳисобчи операторга тақдим этиш вақти ҳисобланади. Автотранспорт воситасининг қабул

қилинган маҳсулот билан чиқиб кетиш вақти деб товар-транспорт юк хатининг ҳисобчи оператор томонидан имзоланиб ҳайдовчи-экспедиторга топшириш вақти ҳисобланади. Автоцистернанинг ташкилот ҳудудидан чиқиб кетишида маҳсулот мавжудлиги, ўринлар сони ва ташкилотдан чиқаётган одамлар сони қўриқчи томонидан текширилади.

113. Қўмита тизимидаги ташкилотларда нефть маҳсулотларини юклаб бериш ҳар бир резервуардан чиқмайдиган қолдиқни бевосита тозалаш билан бирга амалга оширилади, бунда мазкур Йўриқноманинг 28-иловасига мувофиқ Резервуарни инвентаризация қилиш (тозалаш) натижалари бўйича тузилган далолатнома (Z-57-сонли шакл) икки нусхада тузилади, унинг бир нусхаси назорат учун Қўмитага юборилади. Бир резервуардан юклаб беришни тугатмасдан, бошқа резервуардан маҳсулотини юклаб беришга йўл қўйилмайди.

Нефть маҳсулотларининг чиқмайдиган қолдиқлари юклаб беришга мўлжалланган нефть маҳсулотлари сақланаётган резервуарга ўтказилиши керак. Бунда мазкур Йўриқномада сифат назоратига қўйилган талабларга риоя этилиши лозим бўлади.

Нефть маҳсулотларини узоқ муддат масъул сақлашга қабул қиладиган ташкилотларда чиқмайдиган қолдиқ биринчи гуруҳ моддий бойликлари ҳисобига киритилмайди.

114. Юклаб берилган нефть маҳсулоти ҳақида ташкилот зудлик билан маҳсулотни қабул қилувчи ташкилотга ва Қўмитага хабар беради.

115. Белгиланган муддатда наряд тўлиқ ёки қисман бажарилганидан сўнг ҳисобот ойининг якунида сақлаш участкаси бошлиғи юклаб берилган нефть маҳсулоти ҳажмини ҳисоблаб, натижани наряднинг олди томонидаги «ҳақиқатда бериб юборилди» бандига ёзади ва ўз имзоси билан тасдиқлаб ташкилот бухгалтериясига топширади.

116. Нефть маҳсулотини ажратиб бериш муддати тугагандан сўнг наряд тўлиқ ёки бажарилмаган қисми бўйича ўз кучини йўқотади ва кейинчалик сақлаш участкаси бошлиғи томонидан бажарилиши мумкин эмас. Зарурат туғилганда наряднинг бажарилмаган қисми бўйича Қўмита томонидан янги наряд ёзиб берилади.

117. Нефть маҳсулотларини нарядда кўрсатилган миқдордан ортиқ ажратиб берилишига йўл қўйилмайди.

Айрим ҳолларда (цистернани тўлиқ тўлдириш зарурати туғилганда, бир нечта резервуарни тозалашда) нарядда кўрсатилган миқдордан ортиқ маҳсулот юклаб берилиши фақат Қўмитанинг ёзма рухсати билан кейинчалик наряд расмийлаштирилиши орқали амалга оширилади.

### **3-§. Ташкилот ҳудудида (база ичида) бажариладиган ҳаракатларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш**

118. Сақлаш вақтида нефть маҳсулотларини ташкилот ҳудудида (база ичида) ҳаракатланишига йўл қўйилмайди, авария рўй берган ҳолатлар бундан мустасно.

Резервуарларда авария рўй берган ҳолда ташкилот раҳбари махсулотларни бошқа резервуарларга ўтказиш тўғрисида буйруқ беради ва бу ҳолат юзасидан дарҳол Қўмига сабабларини кўрсатган ҳолда хабар беради.

119. Нефть махсулотларини ташкилот ҳудудида бир резервуардан бошқа резервуарга ўтказиш ташкилот раҳбарининг наряди асосида амалга оширилади. Нефть махсулотлари кўчирилишида сақлаш участкаси бошлиғи нарядга тегишли белги қўяди ва ўз имзоси билан тасдиқлайди. Ташкилот ҳудудида амалга ошириладиган ҳаракатларга юк хати ёзилмайди.

## **VII боб. Реактив ёқилғининг тозалигини таъминлаш бўйича ишларни ўтказиш**

### **1-§. Умумий талаблар**

120. Реактив ёқилғи ҳаракатининг барча жабҳаларида: ишлаб чиқаришда, транспортда ташишда, сақлаш омборларида ва истеъмол қилишда махсус технологик режимларга риоя қилиниши ва ёқилғи тозалигининг зарурий даражасини таъминловчи техник воситалар қўлланилиши керак.

121. Резервуарлар, темир йўл цистерналари ва автоцистерналар, шунингдек ёқилғини транспортда ташишга мўлжалланган идишлар ГОСТ 1510 «Нефть ва нефть махсулотлари. Пломбалаш, ўраш, транспортда ташиш ва сақлаш»га мувофиқ тайёргарликдан ўтади.

122. Реактив ёқилғи сақланадиган ташкилотларда махсулот ифлослашининг олдини олишга мўлжалланган тозалаш идишлари, дағал ва майин тозалашга мўлжалланган филтрлар бўлиши керак.

Бу воситаларни ишга тайёргарликдан ўтказиш учун қабул қилиш ва бериб юбориш ишларини амалга оширишдан олдин мазкур Ўйриқноманинг 20-иловасига асосан регламент ишлари рўйхати ишлаб чиқилади.

123. Реактив ёқилғини узоқ муддат сақлашга қабул қилишда ва истеъмолчига бериб юборишда цистерналардан назорат таҳлили учун олинган намуналарда механик аралашмалар ва сув борлигини текшириш ПОЗ-Т туридаги ускуна ёрдамида ва кўздан кечириш орқали амалга оширилади.

124. Резервуар тўлдирилгандан сўнг реактив ёқилғини тўлиқ таҳлилдан ўтказишда механик аралашмаларнинг таркиби норматив ҳужжатларга асосан аниқланади.

### **2-§. Реактив ёқилғи тозалигини таъминлаш бўйича бажариладиган ишлар**

125. Реактив ёқилғида юқори тозаликни таъминлаш учун, биринчи навбатда тозалаш ва вакуумли тозалаш идишлари, қувурлар, дағал ва майин тозалаш филтрлари ва махсулотни қабул қилувчи мосламаларга эътибор қаратилиши лозим.

126. Тозалаш ва вакуумли тозалаш идишлари цистерналардан махсулот туширилгандан сўнг қолган қолдиқ ёқилғиларини ва резервуарлардаги реактив ёқилғининг чиқмайдиган қолдиқларини қўйишга мўлжалланган.

127. Тозалаш идишларининг тозалиги юзасидан доимий назорат ўрнатилиши зарур. Тиниб қолган реактив ёқилғида сув ва кирларни олиб ташлаш учун ёқилғи тозалаш идишидан вакуум насоси ёрдамида стационар идиш ёки кўчма идишларга олинади. Туб қатламларнинг ифлосланишини аниқлаш ПОЗ-Т туридаги ускуна ёрдамида амалга оширилади.

128. Тозалаш идишларининг ички деворларини йилига камида икки марта кирлардан тозалаб туриш керак. Бу ишларни реактив ёқилғини режали (ялпи) юклаш ёки қабул қилишдан сўнг ўтказиш тавсия қилинади.

129. Тозалаш идишларидан сақлаш резервуарларига ёки цистернага тортиб олинган реактив ёқилғи майин тозалаш филтрларидан ўтказилиши шарт.

130. Реактив ёқилғини режали юклаш ёки қабул қилишда қувур участкасидан насос-эстакадагача бўлган жойни айлантириб, икки-уч марта (қувур ҳажмига қараб) реактив ёқилғи ҳисоби олиб ювилади. Қувур ювилгандан сўнг реактив ёқилғи тозалаш идишига қўйилади ва унда тиндирилади.

131. Эстакададан фойдаланишдаги танаффус икки ёки ундан кўп ойгача бўладиган бўлса, тозалаш ишлари такрорланади.

132. Дағал тозалаш филтрларида ва коллектор четларидаги тиндиргичларда механик аралашмалар ва турлича катталиқдаги зарралари бор окалилар йиғилиши, сеткалар эса қистиргич бўлаклари ёки ишқалаш чиқиндилари билан тўлиши сабабли дағал тозалаш филтрлари ва тиндиргичларнинг ҳолати устидан тизимли назорат ўрнатилиши керак. Режали юклаш ва қабул қилишдан олдин тиндиргичлар реактив ёқилғидан тозаланади, филтр корпусининг ички юзаси тозаланади ва мазкур Ўўриқноманинг 20-иловасида келтирилган бошқа ишлар амалга оширилади.

Режали юклашни бошлашдан олдин реактив ёқилғининг қўйи қатламларида ПОЗ-Т туридаги ускуна ёрдамида сув ва кирлар текширилади. Сув ва кир аниқланганда махсулот қабул қилгичдан реактив ёқилғининг қўйи қатламлари вакуум насоси ёрдамида олиб ташланади.

### 3-§. Майин тозалаш филтрлари

133. Майин тозалаш филтрлари реактив ёқилғини кирлардан тозаловчи асосий агрегат бўлиб ҳисобланади. Майин тозалаш филтрларидан зарралари 15 — 20 микрондан катта ўлчамдаги механик аралашмалардан реактив ёқилғиларни тозалашда фойдаланилади.

134. Майин тозалаш филтрларидан қўйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

юклашнинг бошланғич даврида қувурдаги реактив ёқилғини филтрлаш учун;

резервуарни тозалашда реактив ёқилғининг чиқмайдиган қолдиғини филтрлашда;

тозалаш ва вакуумли тозалаш идишларидан олинаётган реактив ёқилгини филтрлашда.

135. Майин тозалаш филтрининг конструкцияси, унинг филофларини йиғиш, ўрнатиш ва алмаштириш, улардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш ҳар бир филтрга илова қилинадиган паспортларда кўрсатилади.

136. Реактив ёқилгини филтрлашдан олдин уларда сув йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак, чунки унда оз миқдордаги сувнинг бўлиши ҳам унинг ишлашига зиён етказиши мумкин.

Агар филтрга янги филтр филофи қўйилган бўлса, филтр йиғиб бўлингандан сўнг янги филтр филофларидан чанг зарраларини йўқотиш учун филтрланадиган маҳсулотни 5 — 10 минут ўтказиш керак.

137. Майин тозалаш филтри филофларини кўриқдан ўтказиш, ювиш ва алмаштириш чиқарилган реактив ёқилгининг миқдори, филтрловчи матоларнинг йиртилиши ёки уринганлигидан қатъи назар, задвижкаларнинг тўлиқ очилган ҳолатида филтр қўйилгунга қадар ва ундан кейинги босим 1,5 кг/см<sup>2</sup> га эришилганда амалга оширилади.

138. Майин тозалаш филтрларида босим филтр филофининг ифлосланганлик даражасига қараб, нормал иш шароитида 0,5 — 1,3 кг/см<sup>2</sup> чегарасида бўлиши керак. Босимнинг 0,4 кг/см<sup>2</sup> дан пастлиги филофнинг ёрилганидан далолат беради. Бу ҳолда филоф ҳам алмаштирилиши керак. Босим ўзгаришини тўғри аниқлаш учун филтр манометрларининг ўлчаш чегаралари 0 дан 6 кг/см<sup>2</sup> гача бўлиши лозим.

139. Майин тозалаш филтрларининг филтрлаш пакетини очгандан сўнг филтр филофларининг ифлосланганлик даражаси кўздан кечирилади. Ички филофлар камроқ ифлосланган бўлиши сабабли янги филоф пакети билан тўлдириб, уларни ташқаридаги филтрнинг ўрнига қўйиш мумкин. Майин тозалаш филтрларининг филофларини ювиш тақиқланади. Янги филтр филофлари қуруқ бинода, парафинланган қоғозда ўраб сақланади.

140. Майин тозалаш филтрлари фақат дағал тозалаш филтрлари билан ишлатилиши лозим. Реактив ёқилгини тортишни бошлашдан олдин дағал тозалаш филтрлари ва маҳсулот қабул қилгич кўздан кечирилиши ҳамда сувдан (майда муз парчаларидан) ва кирдан тозаланиши керак.

141. Ҳар бир майин тозалаш филтри тартиб рақамига эга бўлиши керак. Унинг иш вақти маҳсулот-насос бўлинмаси машинистлари томонидан мазкур Йўриқноманинг 29-иловасига мувофиқ Майин тозалаш филтрлари ишини ҳисобга олиш журналида қайд қилинади.

142. Тиндиргичларга олиб борадиган қувурлар (оқизиш кранлари) тиндиргичдаги ёқилгининг тозалигини текшириш ва чўкиндини оқизиш юбориш учун бемалол бўлиши керак.

143. Ёқилгини юклашдан олдин филтр корпусининг ички юзаси кўздан кечирилиб, турли кирлардан тозаланади.

144. Майин тозалаш филтри орқали ҳар тартиб олиш бошланиши ва яқунланишидан сўнг филтр кўздан кечирилади ва чўкинди оқизиш юборилади.

## **VIII боб. Оч тусли нефть маҳсулотлари, мотор мойлари жараёнларни ҳисобга олиш**

### **1-§. Нефть маҳсулотлари миқдорини аниқлаш**

145. Нефть маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган сифимлар бўйича ташкилот томонидан калибрлаш жадвали тузилиши керак.

Ер ости резервуарларига сув қўйиш йўли билан ҳажм аниқланади ва сантиметрли калибрлаш жадвали тузилади. Калибрлаш жадвалисиз резервуарларга нефть маҳсулотларини қўйишга йўл қўйилмайди.

Маҳсулот ўтказгичлар, вакуумли тозалаш идишлари, маҳсулот қабул қилгичларга алоҳида калибрлаш жадваллари тузилиши керак.

146. Нефть маҳсулоти қўйилиш даражасини ўлчаш доимий нуқтага ўрнатилган, пўлатдан ясалган ўлчов рулеткаси ёки метршток ёрдамида, маҳсулот юзасидаги кўпик қатламининг йўқлигида амалга оширилади.

Оч тусли нефть маҳсулотларида ҳўлланиш даражасини яхши аниқлаш учун рулетка лентасини ёки метршток шкаласига бўр суриб қўйиш тавсия этилади. Бўр сурилгандан сўнг лента ёки шкала унда бўр қатлами қолади-ган қилиб артилиши керак. Сифимда маҳсулот ости сувининг бор-йўқлигини текшириш учун лот ёки метрштокка сувга таъсирчан паста юпка қилиб суртилади.

Нефть маҳсулотининг қўйилиш даражаси (сув бор бўлганда — суюқликнинг умумий сатҳи) рулетка лентасидаги ҳўлланиш чизигига қараб, сув қатлами баландлиги эса сувга таъсирчан пастанинг ранг ўзгариш чегарасига қараб амалга оширилади.

147. Резервуардаги ўлчаш ишлари 1 мм аниқликда камида икки марта ўтказилади. Ҳисобда 1 мм дан кўп фарқ аниқланадиган бўлса, ўлчаш ишлари аниқ натижа олингунга қадар давом этади ва учта кўрсаткич асосида ўртача миқдор олинади.

Цистерналардаги нефть маҳсулотларини ўлчаш цистернанинг ўқ чизиги бўйлаб икки қарама-қарши нуқтага метрштокни қўйган ҳолда, ҳар бир нуқтага камида икки марта қўйиб кўриб, 1 мм аниқликда амалга оширилади. Цистернада қуйи оқизиш ускунаси бор бўлганда эса, қуйилган нефть маҳсулоти баландлиги даражаси метрштокни оқизиш жўмрагидаги қарама-қарши нуқтада, цистерна оғзининг ўқ чизигига қўйиш билан кифояланади. Ўлчашларда 1 мм дан ортиқ тафовутлар чиққанда ўлчаш ишлари аниқ натижа олгунга қадар такрорланади ва учта бир-бирига яқин кўрсаткичлардан ўртачаси танлаб олинади. Нефть маҳсулотларини цистерналарда қабул қилиш ва бериб юборишда моддий жавобгар шахслар нефть маҳсулотининг 20° С даги зичлигини ва ҳар бир цистерна турини билиши шарт.

148. Цистерналарда ҳамда резервуарлардаги нефть маҳсулотлари миқдорини аниқлаш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш керак:

нефть маҳсулотининг ўлчаш вақтидаги ҳақиқий ҳарорати;

нефть маҳсулотининг ўлчаш вақтидаги ҳақиқий ҳароратдаги зичлиги;

сифимдаги нефть маҳсулотининг ўлчаш вақтидаги сатҳи;



сигимдаги нефть маҳсулотининг маҳсулот ости суви сатҳи.

149. Резервуар ва цистерналардаги нефть маҳсулотининг зичлиги ва ҳароратини аниқлаш учун ГОСТ 2517 «Нефть ва нефть маҳсулотлари. Намуна олиш усули» бўйича намуналар олинади.

Маҳсулот ҳарорати намуна олгичдан дарҳол олиб туриб аниқланади. Термометрлар билан ҳароратни ўлчаш 0,1° С аниқликда амалга оширилади.

Резервуарлардаги маҳсулотнинг ҳароратини ўлчаш учун нефть маҳсулотини қўйилиш сатҳи баландлигининг ўртасига доимий туширилган филофдаги термометрдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Маҳсулот миқдорини ўлчаш пайтида унинг ўртача жорий ҳароратини аниқлаш барча ҳолларда амалга оширилади.

Резервуардаги нефть маҳсулотининг миқдорини аниқлашда қўйидаги тузатишларни қўллаш зарур: резервуар ости нотекислиги ва корпус қиялиги, резервуар ҳажмининг ҳарорат ўзгариши ҳамда гидростатик босими, агар калибровка жадвалини тузишда гидростатик босим инобатга олинмаган бўлса.

Резервуар ости нотекислиги ва корпус қиялигига тузатиш ҳар бир цистерналар партиясини қабул қилганда ҳамда резервуар тўлиқ тўлдирилганда ҳисобланади.

Резервуар ости нотекислиги ва корпус қиялигини тузатиш ҳисоби далолатнома билан расмийлаштирилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Биринчи марта маҳсулот билан тўлдирилган ер ости резервуарларининг остки нотекислик қиялиги ҳисоби 6 ой давомида, қайта қўйилган резервуарлар 1 ой давомида кузатилади.

## **2-§. Нефть маҳсулотларини инвентаризация қилиш, ҳисобга олиш ва камомадини ҳисобдан чиқариш**

150. Ташкилотда нефть маҳсулотларининг амалдаги камомади қўйидаги йўл билан аниқланади:

темир йўл цистерналарида ташишда — темир йўл ҳужжатларида кўрсатилган миқдорни қабул қилиш вақтида темир йўл цистерналарида амалга оширилган ўлчаш орқали аниқланган миқдор билан солиштириш орқали;

қабул қилиш, сақлаш, бериб юбориш ва ташкилот ҳудудида (база ичида)ги кўчиришларда — резервуарларни тозалаш вақтида резервуарга қабул қилинган ва бериб юборилган (кўчириб ўтказилган) нефть маҳсулотлари миқдорини солиштириш йўли билан.

151. Ташкилотда резервуарлар ва бошқа сигимларда сақланаётган нефть маҳсулотларининг амалдаги мавжудлиги устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек меъёрдан ортиқ камомаднинг олдини олиш мақсадида моддий-жавобгар шахслар қўйидаги кўринишда нефть маҳсулотларининг назорат ўлчовларини амалга оширадилар:

а) ойига бир марта биринчи сана ҳолатига — ташкилотнинг барча резервуарлари ва бошқа сигимларида лаборатория ходимлари иштирокида;

б) кундалик (хароратни ўлчаш ва оғирликни ҳисоблаш билан — ҳафта-сига бир марта) сирқиб чиқиш сигнализаторлари билан жиҳозланмаган ёки носоз бўлган ҳолларда:

чуқурлаштирилган турдаги резервуарларда;

қурилиши тугалланган ёки таги ва корпуси капитал таъмирланган барча турдаги резервуарларда нефть маҳсулоти қуйилган кундан бошлаб уч ой давомида;

техник ҳолати қўшимча назоратни талаб қилувчи барча турдаги резервуарларда;

резервуар ва бошқа сифимларда тўсатдан ташкилот раҳбари кўрсатмасига кўра бухгалтерия ва бошқа моддий-жавобгар ходимлари иштирокида.

152. Қабул қилиш, сақлаш, бериб юбориш ва ташкилот ичида кўчириш каби ишларни амалга ошириш вақтида цистерналарнинг ҳар бир партияси бўйича резервуарлар, вакуумли ва тозалаш идишлари ҳамда маҳсулот қабул қилувчи воситаларда ўлчовлар амалга оширилади. Агарда резервуарга қуйиш вақтида цистерналар ва резервуар ўлчовлари ўртасида табиий камайиш нормасидан сезиларли фарқ бўлса, ўлчовлар қайта ўтказилади, тафовут сабаблари аниқланади ва тегишли далолатнома расмийлаштирилади.

153. Назорат ўлчовлари учун мазкур Йўриқноманинг 30-иловасида келтирилган (Z-34-сонли) шакл бўйича далолатнома тузилмайди. Барча ўлчовлар натижалари мазкур Йўриқноманинг 27-иловасига мувофиқ юритилган Ташкилотда мавжуд нефть маҳсулотлари, уларнинг ҳаракати ва ўлчашни ҳисобга олиш китобининг (Z-52-сонли шакл) 7 — 15-устунларига киритилади. Ҳар йили 1 октябрь ҳолатига, шунингдек моддий-жавобгар шахс алмашганда, ташкилот томонидан чиқарилган буйруқ асосида тайинланган комиссия резервуар ва сифимларда мавжуд бўлган нефть маҳсулотларини инвентаризация қилади. Инвентаризация натижалари мазкур Йўриқноманинг 28-иловасига мувофиқ далолатнома билан расмийлаштирилади.

Резервуарларда нефть маҳсулотларининг ҳақиқий миқдорини аниқлаш учун мазкур Йўриқноманинг 30-иловасига мувофиқ Резервуарни ўлчаш натижалари тўғрисида далолатнома (Z-34-сонли шакл) икки нусхада тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси инвентаризация ўтказган комиссия баённомаси билан Қўмига тақдим этилади.

154. Сақлаш, бериб юбориш ва бошқа жараёнлар вақтида маҳсулотнинг ортиб қолиши ёки меъёрдан ортиқ камомад ҳолатлари аниқланганда сақлаш участкаси бошлиғи ташкилот раҳбарини хабардор қилиши лозим, бунда ташкилот раҳбари қайта ўлчаш ва Резервуарни ўлчаш натижалари тўғрисида далолатнома (Z-34-сонли шакл) тузиш учун комиссия тайинлайди. Ташкилот раҳбари маҳсулотнинг ортиб қолиши ёки меъёрдан ортиқ камомад чиқиш сабабларини аниқлаб уларни бартараф этиши керак. Инвентаризация вақтида табиий йўқотишнинг ўрнатилган нормаси доирасида ва ўлчаш вақтидаги меъёрий хатоликлар чегарасида аниқланган камомад, ҳар бир резервуардаги маҳсулот миқдоридан  $+/- 0,5$  фоиздан кўп бўлмаса, шунингдек ортиқча маҳсулот резервуардаги маҳсулот миқдоридан  $+/- 0,5$  фоиздан кўп бўлмаса, бухгалтерия ва омбор ҳисобида кўрсатилмайди.

**3-§. Нефть маҳсулотларининг омбор ҳисоби**

155. Нефть маҳсулотларининг омбор ҳисоби моддий жавобгар шахслар томонидан мазкур Йўриқноманинг 27-иловасига мувофиқ юритиладиган Ташкилотда мавжуд нефть маҳсулотлари, уларнинг ҳаракати ва ўлчашни ҳисобга олиш китобида (Z-52-сонли шакл) юритилади.

156. Ташкилотда мавжуд нефть маҳсулотлари, уларнинг ҳаракати ва ўлчашни ҳисобга олиш китобининг (Z-52-сонли шакл) 4 — 6 графаларига киритиладиган ёзувлар қабул қилиш далолатномалари, кўчириш нарядлари, юк хатлари, резервуарларни тозалаш натижалари ҳақидаги далолатномалар, ҳужжатларни тузиш кунда таҳлил учун олинган нефть маҳсулотлари ҳақидаги лаборатория маълумотномаси асосида амалга оширилади. Ҳар бир резервуар, тозалаш ва вакуум идиши, маҳсулотни қабул қилиш ускунаси ва маҳсулот қувири учун китобда алоҳида ҳисобварақ очилиши лозим. Ҳисобварақ резервуарларнинг ҳар бир бўшатилишида ёпилади.

157. Идишдаги нефть маҳсулотларининг омбор ҳисоби учун мазкур Йўриқноманинг 31-иловасига мувофиқ Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоби-китоби (Z-24-сонли шакл) юритилади. Ушбу китобда ҳар бир нефть маҳсулоти партияси ва ҳар бир омбор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақ очилиши лозим.

158. Китобдаги ёзувлар эҳтиёткорлик билан аниқ ёзилиши лозим. Ўзгартишлар ва ўчиришларга йўл қўйилмайди. Сатрларнинг устки ва пастки қисмига, ёзувлар орасидаги бўшлиқларга бошқа ёзувларнинг киритилиши мумкин эмас. Аниқланган хатолар устидан чизик чизилади ва нотўғри ёзилган рақамлар ёки матнни ўқиш мумкин бўлган ҳолда тўғри рақам ёки матн ёзилади. Бир вақтнинг ўзида мазкур жойда тегишли сатрда «Ўзгартирилган» деб ёзилади ва нефть маҳсулотлари ҳисобини юритувчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

159. Китобдаги ёзувларга асосан сақлаш участкаси бошлиғи ташкилот лабораторияси билан биргаликда нефть маҳсулотларини янгилаш ва алмаштиришнинг йиллик режасини тузади ва йилнинг 1 мартдан кечиктирмай Қўмига юборади.

160. Бухгалтерия ва омбор ҳисоби ўртасидаги нефть маҳсулотлари қолдиқлари ва ҳаракати (кирим ва чиқим бўйича) кўрсаткичларини солиштириш ҳар ой амалга оширилиши керак. Бир вақтнинг ўзида назорат ўлчовлари натижалари бўйича нефть маҳсулотларининг амалда мавжуд миқдори билан ҳисобот маълумотлари солиштирилади. Солиштирув нефть маҳсулотларининг омбор ва бухгалтерия ҳисобини юритувчи ходимлар томонидан бухгалтерия бўлими ойлик айланма баланси тузилгунига қадар амалга оширилади.

161. Агар солиштирув вақтида бухгалтерия ва омбор ҳисоби ўртасида тафовут вужудга келса, фарқни келтириб чиқарган сабаблар аниқланиб, бартараф этилиши ҳамда бухгалтерия ва омбор ҳисоб-китобларига ҳисобот оyi санаси билан тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим. Амалга оши-

рилган солиштирув Ташкилотда мавжуд нефть маҳсулотлари, уларнинг ҳаракати ва ўлчашни ҳисобга олиш китобининг (Z-52-сонли шакл) ёки Биринчи гуруҳ моддий бойликларининг омборхона ҳисоб-китобининг (Z-24-сонли шакл) ҳар бир шахсий ҳисобварағида бош ҳисобчининг имзоси билан тасдиқланади.

Агарда солиштириш вақтида нефть маҳсулотининг бир ёки бир нечта резервуарлардаги амалдаги миқдорини ўлчаш натижалари ҳисобот кўрсаткичларига нисбатан табиий йўқотиш нормасидан ва ўлчовларда йўл қўйиладиган хатоликлар меъёрларидан юқори бўлса, қайта ўлчовлар амалга оширилади, Резервуарни ўлчаш натижалари тўғрисида далолатнома (Z-34-сонли шакл) тузилади ва ушбу тафовутларга сабаб бўлган омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилади.

162. Сақлаш участкаси томонидан расмийлаштириладиган нефть маҳсулотларини қабул қилиш, бериб юбориш ва бошқа жойга кўчириш бўйича барча ҳужжатлар (қабул қилиш далолатномалари, чиқим юк хатлари, резервуарларни ўлчаш ва тозалаш далолатномалари), шунингдек бериб юбориш ва бошқа жойга кўчириш бўйича ижро этилган нарядлар бажарилиши билан ҳар куни мазкур Йўриқноманинг 32-иловасига (Z-53-сонли шакл) мувофиқ рўйхат бўйича бухгалтерияга топширилиши зарур.

163. Бухгалтерияга топшириладиган ҳужжатлар мазкур Йўриқномада белгиланган талабларга жавоб бериши лозим. Расмийлаштирилган барча ҳужжатларда, уларнинг матн қисми билан бир каторда рақамлар қисмида ҳам ўчиришлар ва тузатишларга йўл қўйилмайди. Ҳужжатдаги ҳар бир тузатиш маҳсус (шу ҳужжатнинг ўзидаёқ) изоҳланиб, ҳужжатга имзо қўювчи шахслар томонидан тасдиқланиши лозим.

Нотўғри тузилган ёки нотўғри равишда ўзгартирилган ҳужжатлар ташкилот бухгалтерияси томонидан қабул қилинмайди ва қайта тузиш учун қайтариб бериледи.

### **IX боб. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш, бериб юбориш, сақлаш ва ташишдаги табиий йўқотиш нормаларини қўллаш**

164. Нефть маҳсулотларининг табиий йўқотилиши (норматив ҳужжатлар талаблари чегарасида массанинг камайиши) деганда қабул қилиш, сақлаш ва бериб юборишда нефть маҳсулотларининг физик-кимёвий хусусиятлари, метеорологик омиллар таъсири ва нефть маҳсулотларининг химоя воситаси мукаммал эмаслигидан келиб чиққан йўқотишлар тушунилади. Табиий йўқотиш нормалари — бевосита товар-транспорт ишлари жараёнида келиб чиқадиган, нефть маҳсулотларининг йўл қўйиладиган чегаравий қайтарилмас йўқотиш катталиги бўлиб, фақат маҳсулот камомати аниқланганда қўлланилади. Камомат аниқлангунга қадар табиий йўқотиш нормалари бўйича нефть маҳсулотини ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

165. Табиий йўқотишларга норматив ҳужжатлар, техник фойдаланиш ва сақлаш қоидалари талабларининг бузилиши сабабли ва табиий офатлар

натижасида юз берган йўқотишлар кирмайди. Резервуарлар ва қувурларни таъмирлаш, тозалаш билан боғлиқ йўқотишлар, авария ва ўғирлик оқибатида кўрилган зарарлар, шунингдек омборхона ички қуйиш-олиш ишларидаги йўқотишлар ҳам табиий йўқотиш нормасига киритилмайди.

166. Табиий йўқотиш нормалари санок бўйича (қадоқланган маҳсулотлар) қабул қилинадиган ва бериб юбориладиган, герметик идишларда (герметикадан фойдаланиб кавшарланган, зичланган) ташиладиган ёки сақланадиган, шунингдек юқори босим остида резервуарларда сақланадиган нефть маҳсулотларига татбиқ этилмайди.

### **Х боб. Яқуний қоида**

167. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

*Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директори*

**А. КУРБАНОВ**

*2013 йил 23 август*

*«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг  
компанияси бошқаруви раиси*

**Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ**

*2013 йил 23 август*

*«Ўзбекистон темир йўллари»  
Давлат акциядорлик  
компанияси бошқаруви раиси*

**А. РАМАТОВ**

*2013 йил 23 август*

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё  
транспорти агентлиги бошлиғи*

**А. АБДУВАЛИЕВ**

*2013 йил 23 август*

Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
1-ИЛОВА

## **Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларининг ГУРУҲЛАРИ**

### **1 гуруҳ**

1. Автомобиль бензинлари
2. Газ конденсати
3. Бошланғич қайнаш ҳарорати 40<sup>0</sup> С дан юқори бўлмаган ҳароратли бошқа нефть маҳсулотлари

### **2 гуруҳ**

1. Газ конденсати
2. Б-92 Авиация бензини
3. Бошланғич қайнаш ҳарорати 50<sup>0</sup> С дан юқори бўлмаган ҳароратли бошқа нефть маҳсулотлари

### **3 гуруҳ**

1. Бензин — резина саноати учун эритувчи маҳсулот (модда)
2. Нефрас нефтга оид эритувчи
3. Нефть бензоли
4. Бошланғич қайнаш ҳарорати 100<sup>0</sup> С дан юқори бўлмаган ҳароратли бошқа нефть маҳсулотлари

### **4 гуруҳ**

1. Бензин — лак-бўёқ саноати учун эритувчи маҳсулот
2. ТС-1, ДЖЕТ А-1 (DEFSTAN 91-91) реактив двигателлари учун ёқилғи
3. Техник мақсадлар учун керосин
4. Нефть ксилоли
5. Нефть толуоли
6. Техник этилбензол
7. Бошланғич қайнаш ҳарорати 100 — 150<sup>0</sup> С чегарасида бўлган ҳароратли бошқа нефть маҳсулотлари

### **5 гуруҳ**

1. Ёруғлантирувчи керосин
2. Техник изопропилбензол

3. «Қишки» дизел ёнилғиси
4. Бошланғич қайнаш бошланиши 150 — 180° С чегарасида бўлган ҳароратли бошқа нефть маҳсулотлари

### **6 гуруҳ**

1. Гидравлик мой
2. «Ёзги» дизель ёнилғиси
3. Газ турбина ўрнатмалари учун нефть ёнилғиси
4. Ўрта ва кичик оборотли дизеллар учун мотор ёнилғиси
5. ТПБ маиший печ ёнилғиси
6. С10-С18, С12-С16 нинг бирламчи (дастлабки) фракциялари бўлган қуюқ синтетик спиртлар.
7. Бошланғич қайнаш ҳарорати 180° С дан юқори бўлган бошқа нефть маҳсулотлари

### **7 гуруҳ**

1. Барча марказдаги мазутлар
2. Барча марказдаги мойлаш учун ишлатиладиган мойлар
3. Барча марказдаги суртиладиган мойлар
4. Барча марказдаги чўкмалар
5. Суюқ нефть битумлари
6. Бошқа суюқ нефть маҳсулотлари

### **8 гуруҳ**

Турли нефтлар

Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
2-ИЛОВА

**Нефть маҳсулотларини сақлашда назорат таҳлилларини ўтказиш муддатлари ва ҳажми**

Т/р	Норматив ҳужжатларга мувофиқ нефть маҳсулотларининг номи ва сифат кўрсаткичлари	Таҳлилларни ўтказиш даврийлиги (ойларда)
1.	<b>Этиллаштирилган авиация бензини</b>	
	а) фракцион таркиби	6
	б) ранги ва тиниқлиги, ундаги механик қўшилмалар ва сувнинг (кузатув орқали) таркиби ҳамда ҳақиқатда мавжуд бўлган смоланинг таркиби	12
	в) октанлар сони, барқарорлик даври, кислоталиги, навларга ажралиши	18
2.	<b>Автомобиль бензини</b> ранги ва тиниқлиги, ундаги механик қўшилмалар ва сувнинг (кузатув орқали) таркиби, фракцион таркиби, октанлар сони, ҳақиқатда мавжуд бўлган смолалар таркиби, кислоталиги, индукцион даври	12
3.	<b>ТС-1 ёнилғиси</b> механик қўшилмалар ва сувнинг (кузатув орқали) таркиби, фракцион таркиби, ҳақиқатда мавжуд бўлган смолалар таркиби	12
4.	<b>Дизель ёнилғиси</b>	
	а) механик қўшилмалар ва сувнинг (кузатув орқали) таркиби	12
	б) фракцион таркиби, ҳақиқатда мавжуд бўлган смолалар таркиби	24
5.	<b>Мотор мойлари</b>	
	а) ишқорлар сони ва (ёнганда) кул ҳосил қилиши, таркибида чўкма қўшимчалар (мойнинг эксплуатацион хусусиятларини яхшилайдиган, оз миқдорда қўшилаётган моддалар) мавжуд бўлган мойлар	6
	б) кислоталар сони, сувнинг ҳажми, механик қўшилмаларнинг вазний ҳиссаси (ундаги таркиби)	12
	с) мусбат ҳароратларда ёпишқоқлиги	36



Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 3-ИЛОВА

**Ташкилотларда нефть маҳсулотларини узоқ муддат сақлашга қабул қилишда ўтказиладиган таҳлил ҲАЖМЛАРИ**

1	2	3	4
Нефть маҳсулоти номи	Цистернадан маҳсулот куйиб олинганга қадар бўлган таҳлил	Резервуардан нефть маҳсулоти куйиб олингандан кейин 24 соат ичида ўтказиладиган таҳлили	Резервуарни тўлиқ тўлдиришдан кейин ёки бериб юбориш санасидан 45 кун ичида ўтказиладиган тўлиқ таҳлили
Этиллаштирилган авиабензин	Ранги, тиниқлиги, таркибида механик қўшилмалар ва сувнинг мавжудлиги (кўз билан кузатиш асосида), зичлиги, фракцион таркиби.	Ранги, тиниқлиги, таркибида механик қўшилмалар ва сувнинг мавжудлиги (кўз билан кузатиш асосида), зичлиги, фракцион таркиби.	Норматив хужжатлар доирасида (O'z DST, ГОСТ) зичлиги (ёниш ҳароратида иссиқлик ажратиши ҳамда параоксидифениламин мавжудлиги бундан мустафо).
Автобензин	Ранги, таркибида механик қўшилмалар ва сувнинг мавжудлиги (кўз билан кузатиш асосида), фракцион таркиби.	Ранги, таркибида механик қўшилмалар ва сувнинг мавжудлиги (кўз билан кузатиш асосида), зичлиги, фракцион таркиби.	Норматив хужжатлар доирасида (O'z DST, ГОСТ) зичлиги, индукцион давр ва этиллашган бензин бундан мустафо).
ТС-1 ёқилгиси	Зичлиги, таркибида механик қўшилмалар ва сувнинг мавжудлиги (кўз билан кузатиш асосида), фракцион таркиби.	Таркибида механик қўшилмалар ва сувнинг мавжудлиги (кўз билан кузатиш асосида), зичлиги, фракцион таркиби, учкун олиш ҳарорати.	Норматив хужжатлар доирасида (O'z DST, ГОСТ) (ёниш ҳароратида иссиқлик ажратиши, сувда эрувчи ишқорли бирикмалар ва нафтен кислотали совунлар мавжудлиги бундан мустафо). Қўшимча равишда O'z DST, ГОСТ бўйича механик аралашмалар мавжудлиги.
Дизель ёқилгиси	Зичлиги, таркибида механик қўшилмалар ва сувнинг мавжудлиги (кўз билан кузатиш асосида).	Зичлиги, таркибида механик қўшилмалар ва сувнинг мавжудлиги (кўз билан кузатиш асосида), учкун олиш ҳарорати	Норматив хужжатлар доирасида (O'z DST, ГОСТ) ва зичлиги.
Мотор мойлари	Зичлиги, таркибида механик қўшилмалар ва сувнинг мавжудлиги (фильтрлаш жараёнида кўз билан кузатиш асосида) Таҳлил ҳар бир цистернадан олинган намуналарда ўтказилади.	100° С ҳароратда кинематик ёпишувчанлиги, очик тигелдаги учкун олиш ҳарорати.	Норматив хужжатлар доирасида (O'z DST, ГОСТ), қуйидаги кўрсаткичлардан ташқари: МС-20 мойи бўйича — селектив эритувчилар, термоокисланиш барқарорлиги, коррозиялиги улуши; МК-8 мойи бўйича — анилин нуқтаси, нагро намунаси, олтингурутг улуши;

Нефть маҳсулоти номи 1	Цистернадан маҳсулот куйиб олингунга қадар бўлган таҳлил 2	Резервуардан нефть маҳсулоти куйиб олингандан кейин 24 соат ичида ўтказиладиган таҳлили 3	Резервуарни тўлиқ тўлдиришдан кейин ёки бериб юбориш санасидан 45 кун ичида ўтказиладиган тўлиқ таҳлил 4
			<p>МТ-16п мойи бўйича — селектив Эри-тувчилар улуши, мотор хусусиятлари, коррозиялик. Қўшимча равишда ишқорлар сони O'z DSt, ГОСТ бўйича аниқланади;</p> <p>М-8Д мойи бўйича — коррозиялик, 0° С да ёпишувчанлиги, ювиш хусусияти, актив элементларнинг умумий ҳиссаси;</p> <p>М-8Б2 мойи бўйича — коррозиялик, 0° С да ёпишувчанлиги, ювиш хусусияти, барийнинг умумий ҳиссаси;</p> <p>М-10В2, М-10Г2 мойлари бўйича коррозиялик, ювиш хусусияти, термооксидланиш барқарорлиги, актив элементларнинг умумий ҳиссаси, чўкма ҳосил бўлиши индукцион даври.</p> <p>МК-8, МТ-16п, М-8Б2 мойларида қўшимча равишда O'z DSt, ГОСТ бўйича тозалик даражаси аниқланади.</p>

Изоҳ: тўлиқ таҳлилда O'z DSt, ГОСТ бўйича нефть маҳсулотларига «мавжуд эмас» ва «чидамли» деган норма белгиланган барча сифат кўрсаткичлари мажбурий равишда текширишдан ўтказилади, 4-устунда кўрсатилган кўрсаткичлар бундан мустасно. Зичлик ареометр ёки пикнометр ускунасида аниқланади.

Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 4-ИЛОВА

### Ташкилотларда нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга бериб юборишдан олдин ўтказиладиган таҳлил ҲАЖМЛАРИ

Нефть маҳсулоти номи	Маҳсулотни бериб юборишдан кўни билан 2 ой олдин тўлиқ таҳлил (қаида икки марта)	Цистернадан олинган намуналарда назорат таҳлили	
		Маҳсулотни истеъмолчиларга бериб юборишдан олдин	Маҳсулот цистернага қуйилгандан сўнг, лекни бериб юборишдан кўни билан 12 соат олдин (қаида икки марта)
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>
<b>Этил авиабензин</b>	Норматив ҳужжатлар доирасида (O'z DSt, ГОСТ), зичлиги, (ёниш ҳароратида иссиқлик ажратиши, параоксидифениламин улуши, олтингутурт улуши, кристаллашиш бошланиши ҳарорати бундан мустасно).	Ранги ва шаффофлиги, механик аралашмалар ва сув улуши (кўз билан кузатиш асосида), зичлиги.	Фракцион таркиби.
<b>Автобензин</b>	Норматив ҳужжатлар доирасида (O'z DSt, ГОСТ), зичлиги, (олтингутурт улуши бундан мустасно).	Ранги ва шаффофлиги, механик аралашмалар ва сув улуши (кўз билан кузатиш асосида), зичлиги.	Ўтказилмайди.
<b>Дизел ёқилгиси</b>	Норматив ҳужжатлар асосида (O'z DSt, ГОСТ) ва зичлик, (олтингутурт улуши, меқрапган олтингутурт улуши, водороди улуши, йод сони, цетан сони бундан мустасно).	Механик аралашмалар ва сув улуши (кўз билан кузатиш асосида).	Ўтказилмайди.
<b>Мотор мойлари</b>	Норматив ҳужжатлар доирасида (O'z DSt, ГОСТ), қуйлагичлардан ташқари: МС-20 мойи бўйича — селектив эритувчилар улуши, термоокислатиш барқарорлиги, коррозиялиги улуши; МК-8 мойи бўйича — 20° С ва 40° С ҳароратда кинематик ёпишувчанлиги, анлилин нуқтаси, натро намунаси, олтингутурт улуши; МТ-16п мойи бўйича — селектив эритувчилар улуши, мотор хусусиятлари, коррозиялик. Қўшимча равишда ишқорлар сони O'z DSt, ГОСТ бўйича аниқланади.	Норматив ҳужжатларга (O'z DSt, ГОСТ) мувофиқ сувнинг масса улуши, механик аралашмаларнинг масса улуши (мойни филтрлашда ташқи кўздан кечириб орқали).	Ўтказилмайди.

Нефть маҳсулотини номи	Маҳсулотни бериб юборилган кўни билан 2 ой олдин тўлиқ таҳлил (камида икки марта)	Цистернадан олинган намуналарда назорат таҳлили
1	2 М-8А мойи бўйича — коррозиялик, 0° С да ёпишувчанлиги, ювиш хусусияти, актив элементларнинг умумий ҳиссаси; М-8Б2 мойи бўйича — коррозиялик, 0° С да ёпишувчанлиги, ювиш хусусияти, барийнинг умумий ҳиссаси; М-10В2 ва М-10Г2 мойлари бўйича — коррозиялик, ювиш хусусияти, термоокисланиш барқарорлиги, актив элементларнинг умумий ҳиссаси, куйқаланиш индукцион даври бўйича барқарорлиги. МК-8, МТ-16т, М-8Б2 мойларида кўшимча равишда норматив ҳужжатлар даражасидаги (Oz DSt, Г OCT) тозаллиги аниқланади.	3 Маҳсулотни истеъмолчиларга бериб юборилган олдин
ТС-1 ёқилгиси	Норматив ҳужжатлар доирасида (Oz DSt, Г OCT), (ёниш ҳароратида иссиқлик ажратиши, йод сони, ароматик углеводлар улуши, олгин-гугурт улуши, минус 40° С да кристаллашиш бошланиши ҳарорати бундан мустасно).	4 Маҳсулот цистернага куйилгандан сўнг, лекин бериб юборилган кўни билан 12 соат олдин (камида икки марта)

Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини  
қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш  
тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
5-ИЛОВА

(Z-30-сонли шакл)

**Резервуарлар ва маҳсулот қувурларининг техник ҳолатини ҳисобга олиш  
Ж У Р Н А Л И**

Т/р	Текшириш санаси	Резервуар ва маҳсулот қувурлари рақами	Текшириш натижалари ва уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар	Текшириш ўтказган шахснинг Ф.И.О., лавозими, имзоси	Носозликни бартараф этиш учун кўрилган чоралар ва бартараф этилган сана. Масъул шахс имзоси

Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
6-ИЛОВА  
(Z-39-сонли шакл)

« \_\_\_\_\_ » Ташкилотда бензин сифатини ҳисобга олиш  
КИТОБИ

Нефть маҳсулоти номи \_\_\_\_\_ О'z DSt \_\_\_\_\_ Резервуар рақами \_\_\_\_\_  
(чап варақ)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
Тартиб рақами	Таҳлил ўтказилган сана	Намуналарни рўйхатга олиш китоби бўйича намуна рақами	Маҳсулот ишлаб чиқарилган ой ва йил, ишлаб чиқарган ташкилот	Харорат 20° С бўлгандаги зичлик, г/см <sup>3</sup>	Детонацион чидамчилиги			Кўрошин массаси (тетраэтилкўрошин мавжудлиги), г/кг	Фракцион таркиб					Қолдиқ ва нўқотилmalar, фоз		Пластик ёниш ҳарорати, КДж/кг	Тўйинган бутлар босими, мм рт.ст.		
					мотор услуби бўйича октан рақами	изланиш услуби бўйича октан рақами	бой қоримлада навлиги		ҳайлаш бошланганда харорат, °С	10 фоз	50 фоз	90 фоз	97,5 фоз	қайнаш тугаши, °С	қолдаги қолдиқ, фоз				
О'z DSt бўйича кўрсаткичлар _____																			

Z-39-сонли шаклнинг давоми (ўнг варак)

Кислотаглилик, мг КОН/100 мл ёқилгига	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35
Ҳақиқий катронлар яъни ўлши, мг/100 мл ёқилгига																
Индукцион давр, мин.																
Кристаллаш бешланиши ҳарорати, °С																
Йод рақами, г I <sub>2</sub> /100г ёқилгига																
Ароматик углеводородларнинг умумий ўлши, физ																
Параоксидифениламиннинг яъни ҳажми, физ																
Барқарорлик даври, соат																
Олтингўртнинг яъни ўлши, физ																
Мис пластинкада таҳли																
Шаффолиги																
Ранги																
Сўяда эрувчан кислота ва ишқорлар мавжудлиги																
Сўянинг механик арашмалари мавжудлиги																
Кондиционлиги бўйича ҳулоса																
Лаборатория мўдирини мўсои																

O'z DSt бўйича кўрсаткичлар \_\_\_\_\_

Z-39-сонли шаклнинг давоми (чап варақ)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	
<b>Етказиб берувчи паспорти бўйича кўрсаткичлар</b>																			
<b>Қабул қилиб олиш вақтидаги кўрсаткичлар</b>																			
<b>Назорат таҳлили</b>																			
<b>Тўлиқ таҳлил</b>																			



*Z-39-сонли шакlining davomi (jng varaq)*

20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35
<b>Етказиб берувчи паспорти бўйича кўрсаткичлар</b>															
<b>Қабул қилиб олин вақтидаги кўрсаткичлар</b>															
<b>Назорат таҳлили</b>															
<b>Тўлиқ таҳлил</b>															

Биринчи гуруҳга нефть маҳсулотларини  
қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш  
тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
7-ИЛОВА

**(Z-40-сонли шакл)**

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ Ташкилотда дизель ёқилғиси сифатини ҳисобга олиш  
КИТОБИ

Нефть маҳсулоти номи \_\_\_\_\_ О'z DSt \_\_\_\_\_ Резервуар рақами \_\_\_\_\_  
(чап варақ)

1	Тартиб рақами	2	Таҳлил ўтказилган сана	3	Намуналарни рўйхатга олиш китоби бўйича намуна рақами	4	Маҳсулот ишлаб чиқарган ташкилот инг, ишлаб чиқарган ташкилот	5	Ҳарорат 20° С бўлгандаги зичлик, г/см <sup>3</sup>	6	Цетан рақами	Фракцион таркиби			10	11	12	13	14	15	16	17
												10 фоз	50 фоз	96 фоз								

О'z DSt бўйича кўрсаткичлари \_\_\_\_\_

Z-40-сонли шаклнинг давоми (ўнг варақ)

Лаборатория мўдирини имзоси	28	
Маҳсулот кондипионлигини бўйича ҳулоса	27	
Сув мавжудлиги	26	
Механик арағлашмалар мавжудлиги	25	
Сувла эрувчан кислоталар ва шикорлар мавжудлиги	24	
Мис пластинкада таҳлил	23	
Йод рақами, г /2/ 100г ёқитида	22	
Кул, фонд	21	
Коксланиш 10 фонд-қолдиққа, фонд	20	
Филтраниш коэффициенти	19	
Олтингүрт мавжудлиги	18	

О'з DSt бўйича кўрсаткичлари \_\_\_\_\_

Z-40-сонли шаклнинг давоми (чап варақ)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
<b>Етказиб берувчи паспорти бўйича кўрсаткичлар</b>																
<b>Қабул қилиб олиш вақтидаги кўрсаткичлар</b>																
<b>Назорат таҳлили</b>																
<b>Тўлиқ таҳлил</b>																

*Z-40-сонли шаклнинг давоми (ўнг томон)*

18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28
<b>Етказиб берувчи паспорти бўйича кўрсаткичлар</b>										
<b>Қабул қилиб олиш вақтидаги кўрсаткичлар</b>										
<b>Назорат таҳлили</b>										
<b>Тўлиқ таҳлил</b>										



Z-41-сонли шаклнинг давоми (ўнг варак)

Хакікій қатронлар яғни улуши, мг/100 мл ёқилмада	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40
Оқтингурут яғни улуши, фонз																		
Меркантан оқтингурут яғни улуши, фонз																		
Тарқибдаги водород сульфид																		
100 °С ҳароратда 3 соат давомида мис пластинада синюв ўтказиш																		
Тарқибдаги сувда эримайдиган кислота ва ишқорлар																		
Тарқибдаги сувда эрийдиган кислота ва ишқорлар																		
Тарқибдаги сувда эрийдиган ишқорли бирикмалар микрори																		
Кул ҳосил қилиш хусусияти, фонз																		
Тарқибдаги механик арашмалар ва сув																		
Тарқибдаги нефтен кислота совуни																		
Сув билан ўзаро таъсири																		
бўлинма юзаси ҳолати																		
бўлинган фазалар ҳолати																		
Кўшимчалар																		
нонол																		
дистилланган нефтен кислоталари																		
Маҳсулот тағабатга жавоб бериши юзасида хулоса																		
Лаборатория мудирини имзоси																		

O'z DST, ГОСТ бўйича кўрсаткичлар



*Z-41-сонли шакlining davomi (chap varaq)*

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
<b>Etказиб берувчи паспорти бўйича кўрсаткичлар</b>																					
<b>Қабул қилишда</b>																					
<b>Назорат таҳлили</b>																					
<b>Тўлиқ таҳлил</b>																					



*Z-41-сонли шаклнинг давоми (ўнг варақ)*

